

84(543)

170

Р17

Равшан Ражабов

ЭПКИН



CH0000034529

84(5Y₃)
P17

Равшан Ражабов

иын

ЭПКИН

ОТА

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

928 030

Тошкент 2012

Мухаррир:
Шукур Содик

Бадий мухаррир: Ёрбек Искандаров

Мусаввир: Нозимхўжа Абдусаломхўжаев
Техник мухаррир: Бокиҷон Абдураҳмонов
Саҳифаловчи: Шаҳзода Очилова
Муқовада Н. Абдусаломхўжаев, доцент
Ижодий ишидан фойдаланди



УМРИМ

Хеч ўйламагандим, ўтиб ой-ю, йиллар
Орамизда пайдо бўлади деб жарлик
Таом бир, бошпана бир, лекин дил йифлар
Интиқ қалблар аро ҳоким деб жудолик.

Балким муҳаббат деган иллоҳий тӯфон
Ёнирилиб, кўзларимни кўр этганди
Жарлик сари етаклаган гўзал райхон
Нигоҳимга боқиб, севаман деганди.

Йўлларим каби чалкашган бу тақдирим
Бир нафас, бир дам шошмай турса бўларди.
Хаёлларим каби учкур ўтган умрим
Ишқ уммонида сўзмаса бўларди.


Шукр! – дейман Аллоҳга бу ҳам кўргулик
Билсамда, бўлмаслигин ўзга янгилик.

19.07.2010 й.

* * *

Туғилсанг оқ матога ўрашади
Шодланиб бешикка белашади
Ўлсанг оқ матога ўрашади
Щошилиб қабрга элтишади.





КЕЧИНМА

Тонг сахарда күрсатди ғунчасин
Кечга келиб ёйди илк ғунчасин
Ой шулъасида үйнаб бахтиёр
Туга бошлади ғұра довчасин

Кимдир дер – шафтоли, зардоли
Бола-чака келар күргали
Шохига тош отар ё йикар
Мевасин олиб, ҳумордан чиқар

Боболардан қолган ажиб нақл
Калтак ейди мевали дараҳт
Гар, мевасиз дараҳт бұлса бил,
Түсін бўлур, ётур, бўлиб караҳт.

1.03.2011.

* * *

Нигохингга нигохим тикиб
Нигохларинг қаърида үлай
Киприкларинг гар түр бўлса
Балиқдек, тутилиб қолай.



ТОПМАДИМ

Бу кеча бордим, бир гүзал кошига
Оймомодан соябон тутдим бошига
Шулъасига түйинди хусни-жамоли
Шерик бўлдим, ширин-шакар ошига

Нигоҳин қаърига чўқдим тонгача
Лабини болига тўйдим бу кеча
Зулфин исига бўлиб маст-аласт
Билмадим келганин баҳорий фунча.

Таърифлашга ожизлик килди сўзлар
Изладим, қўмсадим лекин топмадим.

1.01.2010.



ЁР БАХОР

Гүё оппок либос кийган
Күрпа-түшакли келинчак
Көр нафасига түйинган
Ховлимдаги илк бойчечак.

Шамол ўйнар кокилларин
Корнинг чизган чизгиларин
Куёш тикиб нигохларин
Кутлар баҳор ғунчаларин

Фунчани ранг-рўйи сўлғин
Тур уйқудан фунча турғин
Ёр баҳор, қошинга келди
У қорли тушакни қўйғин

Қанча кўзлар бўлиб интиқ
Бу оламдан ўтиб кетди
Ича олмай кўкатли қатик
Баҳорга етолмай ўтди

Тур! – уйқудан фунча турғин
Ёр баҳор қошинға келди.

3.03.2011.

БЕДАНА

Тұр қовоқдаги, тутқун бедана
Сайрайди гоҳида дона-дона
Овозин тинглаб шодон куламиз
Гоҳида севиниб дон сепамиз
Билсам, сайрамайди-у. Йиглайди.

Күзларимни тикдим бечора қушга
Мағрур у, кирмаган хатто тушга
Тутқунликда боши яра-чақа
Бүйин әммагай ҳеч, хайр-хушга
Билсам, сайрамайди у. Йиглайди.

Тұр қовоқ ичра, этса жон таслим
Күзлардан кетса тириклик нури
Озод бүлишга топмаса тилсим
Сүнги нафасда ҳам эрк истайди
Билсам сайрамайди-у. Йиглайди.

Аллохни бергани, бизга камми
Эх тутқунликда тутган инсонми
Мүшдекгина жисми, ётар жонсиз
Рухи самода, эркин яйрайди
Билсам, сайрамайди-у, Йиглайди.

7.10.2010 й.

ТОНГ

Мен келдим, тонг юзингни оч
Дийдоринг, күрсат күзимга
Бош, узра учган қалдирғоч
Уч! – туфлаб кетма тузимга

Кутдим күрмок бўлиб, ёниб
Култум, сувдек жамолингни
Тўйиб, нафас олмоқ бўлиб
Кўмса́б, майин шамолингни

Жамолингни кўрганимда
Нигоҳим, куйдирди куёш
Тонгни қучиб олганимда
Кўзлардан тирқиради ёш.

Мен келдим тонг кўзингни оч
Дегин қуёшга, йўлдан қоч
Ол! – бағринга натовонни
Зеб-зарларинг бошимга соч.

1.09.2011 й.



* * *

Хаёллар гирдобыга күмілдім
Сұрқлар уммонида чүмілдім
Дүстім дебон, сирларим айтиб
Душманлар тузогыға тутилдім.

Тұхматлар ёғилди хар томондан
Дакки! Эшитдім, яхши-ёмондан
Харакат қылсамда, ух қанчалар
Ёпилаверди доим, күчалар.

Тилни, унсиз тиіш ортида тутмок
Қийинлигин, билсанг үртөк
Үйламай айттылған биргина сүз
Гоҳ, келар бошинга бўлиб тўқмоқ.

8.09.2010 й.



* * *

Тун ҳам, олам аро ўзича гўзал
Ёзилмас зулматнинг кўзича фазал
Жамики жонзодга илҳом бергувчи
Қора тундан кўра, оппоқ тонг авзал.

Жўшқин сойнинг ғайрати жўшди
Ҳар мавжига, ой сийрати кўчди
Оддий балиқ, тилла балиқ бўлиб
Сойнинг юзида, қанотсиз учди.

Мажбур этсалар ҳам кетмайман кўчиб
Бойлик –деб, камбағалиқдан қочиб
Тўғри, ўламан бир қултум сув ичиб
Дунёдаги энг бой тупроқни кучиб

31.08.2011 й.



ХАЁЛ

Мангулик сари ташлайман қадам
Ортимга қарашга, топмайман вакт
Соядек эргашар ўлим дам-бадам
Эгам чакирап, негадир барвакт.

Сўролмайман, эгамдан сабабин
Бузгум келмайди, эгам асабин
Тош ҳам тўкилар, билса гуноҳин
Дебон, юрагим топади таскин.

Балким, тўғридир ҳолвани ози
Нихон топгандир, хаётни сози
Отлар изини тойлар босгандек
Барҳам топгандир, ёшликнинг ёзи.

ТЕЛБА ЮРАГИМНИ

Үтган куни ой келди пойимга
Эгар Жабдук урилди тойимга
Күзгуга бокдим ҳайрона бўлиб
Оқиб ўтган умр, телба сойимга

Дилимда кўп сиру-асрор меҳр
Лек! – айтолмадим гўзал ойимга
Атрофим ўраб жоду-ю сехр
Ўрай олмадим, ишқий шоимга

Фунчадек гулларим, кечиринглар
Мұхаббатдан, исмим ўчиринглар
Мен довулман, тўфон, мен кўргилик
Бу дунёдан мангу кўчиринглар

Саҳро шамолида қумлар учсин
Кўмиб қўйсин ёлғиз курагимни
Янток тикони тешиб юборсин
Тин, олмаган телба юрагимни.

7.08.2009 й.

ЮРТ НАВРҮЗИ

Тонгда қанотларин қокқан эй күш
Баҳор шамолидан бўлиб бехуш
Хиндикуш бағрин, этибсан тарк
Юрт Наврӯзига келибсан ҳуш.

Юртимда тўй, пишар сумалак, ош
Ҳеч бир кимса сенга отмайди тош
Заҳматкаш элим, бу заминга бош
Юрт Наврӯзига, келибсан ҳуш.

Юртим осмонида чарх уравер
Чўчимай, сарҳадларин кезавер
Тинч осмонимга ҳоким бўлавер
Юрт наврӯзида, меҳмон бўлавер.

Юрт Наврӯзига келибсан ҳуш.
Тонгда қанотларин қокқан эй күш.

21.03.2011 й.



БИР ГҮЗАЛ

Бир кун сүради. бир гүзал юрагимни
Рози бўлдим, тутгин дедим билагимни
Шунга ойлар-у йиллар қаерда эдинг
Ёнишларимдан сездингми? – тилагимни.

Не сабаб куласан, ўйнаб зулфи - зоринг
Атайнин, менга атаб курдингми доринг
Сўймокчимисан, оқизиб иссиқ қоним
Мен эмасманми? азалий хушторинг.

Унда. Не сабаб сўрадинг юрагимни
Унда. Не сабаб тутмадинг билагимни.

9.09.2010 й.



ЁРИМ

Ёрим, қошин қоқарму
Гоҳ нозланиб бокарму
Кипригин пир-пиратиб
Хаста дилим ёқарму

Аразлаши ўзгача
Гүё гул, нозик белча
Қошлари камон-ёйи
Юзлари само оий

Каминани зор айлаб
Одимлайди сой бўйлаб
Бармоғида гул ўйнаб
Куйдиради атайлаб

Сўзларимни тинглайди
Кўзларимни бойлайди
Кетиб қолсам ёнидан
Яширинча йиғлайди.

Яноғдаги холингиз
Қора-мунчоқ кўзингиз
Самодан ҳам йироқми
Гул лоладек Лабингиз.

2.02.2011 й.

ГУЛ ТИКОНИ

Зулфларингиз, билсангиз
Чексиз уммон сузсангиз
Ол! – юрагим, олсангиз
Унга, Малхам бўлсангиз.

Совғага гул олсангиз
Бир ғунчаси Мен бўлай
Дилинга озор берган
Гул тикони Мен бўлай

Майли юраксиз – колай
Қотиб, тоғтошдай турай
Дил сенда бўлган – чун
Самода ойдек ёнай.

8.04.2011 й.



ЭЙ ДИЛ

Умидим узолмайман ҳали ҳам сендан
Неча йил – ойлар ўтиб кетган бўлса ҳам
Гоҳ жўшиб, гоҳ тошиб, гоҳ чикиб ўзандан
Сув қаби ишқ, сохилни ювган бўлса ҳам

Лек! ўша соҳил. мухаббат сохиллари
Тинчлик бермайди чорлайвериб кошига
Орзулар овози. армон-андуҳлари
Гоҳон келавериб, ошиклар хушига

Мен ҳам ошиқ ёдим, ошиқларнинг вакили
Кўксимни тилганди бир санамнинг кокили
Кибрла бокқанини тинглаб дил розини
Тутқазиб менга, армондек тарозини

Энди фарёдим кимга айтай, эй малак
Наҳот шундай жазо, раво кўрди фалак
Беҳосдан умид учқунлари чакнади
Ма! – Равшан деб, ўғлига тутганда челак.

8.04.2011 й.

Nizomiy nomli

ТДРУ

kutubxonasi

928030

БОРМАСАМ

Бугун келдингми күргали
Холимдан хабар олгали
Нега турибсан жимгина
Саволинг йўқми сўргали.

Саволимга бергил жавоб
Бир дамгина қилгил савоб
Мухаббатни муҳри ёмон
Қўймайди ҳеч кимни ОМОН.

Бугун келдингми кургали
Кувват бер, турай ё Али!
Энди вакт келди борайин
Чорлар қишлоғим Мурод Али

Рухим тинчимас бермасам
Она, тупроғим кўрмасам
Кечирмас, мени ҳеч бир зот
Бобом ёнида бўлмасам.

10.02.2011 й.

ТҮЙМАДИМ

Сүлим боғлар қоларму сенсиз
Булбуллар сайрарму тинимсиз
Қовжираган боғларни кезиб
Синик күнгил йиғларму унсиз.

Қошларингни қокқандинг қүшдек
Умримиз ўтди гүё тушдек
Ахир, севгандим, севилгандим
Нечун саломлашдик бир хешдек.

Қийнайди юрагим, қийнайди
Севиб қолишни ҳеч күймайди
Танамда бор экан тириклик
Юрак курғур, ишқа туймайди.

7.01.2011 й.



ДИЛДОРИ БОР

Салгина пастроқ туш, күкдаги ой бўлсанг ҳам
Шижаатга бой, тўлиб-тошган сой бўлсанг ҳам.
Кўлим етмаган ойнинг кўксига доги бор.
Бир дам тингла сўзим, иболи ой бўисанг кам.

Сал пастроқ юргин, заминда ҳаволаб кетма
Юлдуз каби порлагин, Лекин юмалаб кетма
Юксакларда учган кушлар, ҳам тин топар, ерда
Ўзни бир юлдуз деб, ўзгага хохолаб кетма

Ҳар бир дилнинг ҳам ўзига мос Дилдори бор
Ошиқ дилим, унинг ҳам парварди ори бор
Севса, севибдида, нима бўлибди – ўйла!
Ёшликда туғён урган илк Дилхумори бор.

15.02.2011



* * *

Кун ўтиб тун келиб тонг отмоқда
Қисмат қош-күзга соя солмоқда
Акиллаган күчүкдек чопқиллаб
Умр деган, вақтни қувиб кетмоқда.

ҚАЛДИРГОЧИМ

Үрикларнинг шохларига сирғалар осилнди
Қош-күзлари ям-яшил ўсмаларга бўялди
Уятдан бир ловуллаб кизарган қизлар каби
Бир лаҳзада севиниб, гул рўмолга ўралди.

Қоматига махлиё, қалдирғоч кўзлари
Чалкашди ўз ёрига айтмоқ бўлган сўзлари
Атрофида канотларин қоқиб чарх уради
Гули рўмолларин сийпалаб, сўнг кулади.

Қалдирғочим, қалдирғоч самода учавергин
Гул баҳор келди, шоҳ нихолларни қучавергил
Зулмат маликаси келмоқда тоғлардан ошиб
Шашилмасдан, баҳорий гулларни ўпавергин.

21.03.2011 й.

* * *

Үйнадим роса ҳам үйнадим
Даврани хеч кимга бермадим
Маст-у, аласт бўлдим йиғладим
Телбалардек изим изладим.

19.03.2011 й.

КЕЛМАДИНГИЗ

Кетган эдинг ўтган қорнинг парчасида
Рўмолинг колганди кулбамнинг дарчасида
Ўриклар ҳам гуллади қийгос, Лек! келмадинг
Фарёд чекдим ишон, муҳаббатнинг боғчасида

Балким асрарман ишкинг, юрак токчасида
Токи тирикман яшарсан юрак тўрчасида
Агар етиб келса юрагим нуқтасига
Айланарсан менла, заминнинг парчасига

Тупрок бўлиб гул бўлиб қайтармиз иккимиз
Бокармиз ойдин ойнинг, моҳ оппоқ юзига
Балким майса, ўту-гиёҳ бўлиб шаклимиз
Жўр бўлармиз, муҳаббатнинг, маҳфий созига

3.03.2011 й.



* * *

Күрганмисан юлдузни кундузи
Мен эса, товба доим күрганман
Тонгда келаман деб ёр кундузи
Алдаган күзларида күрганман.

СҮЗЛАРИМ

Күксимга келди шукух нихоят
Күзимга келди ёғду-хидоят
Бошладим ёзмок бўлиб, қозга
Мухаббатимдан, ажиб ривоят

Эмишман! адирдаги бир чўпон
Кийганмишман! кўкламда тўй чапон
Гул чечаклардан тузоқлар тузиб
Ёр, йўлига курганмишман тўғон.

Ёр кўзларидаги шошқатор ёш
Чарпарат этганмиш тўғонимни
Мухаббат соҳилидан олиб бош
Тингламай кетганмиш ағёнимни

Уйғониб кетдим, ёқамни ушлаб
Ўйланиб қолдим, бошимни қашлаб
Ишқий сойларда сузган кезларим
Айтилган, айтилмаган сўзларим

Ҳаммаси келди бир-бир эсимга
Энтикдим, хаво етмай куксимга.

5.05.2011 й.

ЮРТ БОР

Тонгда учган қушларга қараб
Кўзларга келди ёш тирқираб
Қобуғимга ўраниб билмайман
Баҳорой келибди эрталаб

Қушларнинг чирир-чириридан
Рақсга тушар илк фунчалар
Майсаларнинг шивир-шивиридан
Сесканиб, кўз очар гулчалар

Бол, арилар огоҳ бўлибди
Фунчалар қошида дугоҳ чалибди
Кутилмаганда мәхмон бўлиб
Гулбаҳор юртимга келибди

Хуш келибсин юртга Гулбаҳор
Тарк этмагин кўксимни зинҳор
Ўн саккизминг оламда ягона
Ўзбекистондек, юрт бунда бор

27.03.2011



ЛОЛА ҚИЗФОЛДОҚ

Том бошида очилган қизғалдок
Нима учун, күзларинг қизарган
Атрофингда парвона шақылдок
Нима учун юзларинг озорган.

Күёшнинг нури беҳуш этдими
Ёлғизлик қалбинг сархуш этдими
Боқсам юзинга, эгилган бошинг
Алдаб юлдузинг ташлаб кетдими

Үкинма бўлади турли ҳолат
Ёруғлик бирла юрар жахолат
Алдаган бўлса, ўксима зинҳор
Кўтаргин бошинг, бўлма хижолат.

20.04.2011 й.





ФУНЧА

Фунчанинг кўзлари қонга тўлиб
Миёли вулқон, очилди эрталаб
Ой зулфларин тараб бу кеча
Күёшни кутиб олди эркалаб

Кўз-у, қошларин кўп бор ўйнатиб
Қоматила булбулни куйлатди
Яноғида зеб-зарин яиратиб
Фунча, юз очиб ёрин йифлатди.

Тонг шамоли силар кўзларини
Ел эпкини ўйнар зулфларини
Самодан юлдуз, тикиб нигоҳин
Билмок бўлур, фунча сирларин.

7.03.2011 й.



УЧМОҚЧИМАН

Келтирайми ойни нойингизга
Ялтиллаган тиллали ликобда
Либос этиб берай бўйингизга
Тўхтанг, юлдузларни шу тобда

Ишонмайсизми, нега куласиз
Кулгилими, менинг тилакларим
Гоҳон атрофга қараб қўйясиз
Ожизлик қилурми билакларим

Кетманг, тўхтанг ўтинаман сиздан
Шароб ичмоқчиман қўлингиздан
Агар тутсангиз юрагингизни
Учмоқчиман, кушдек кафтингиздан

Киприкларни ёйидан ўқ отманг
Кўз қорачифига парда тутманг
Ишқингизда Жизсанак бўлди дил
Кетсангиз, кетинг лек мени кутманг.

22.02.2011 й.

Дўстим билан бордим балиқ овига
Илгак солдим, учқур отнинг тушовига
Қамишзор оралаб, сой ёқалаб юрдим
Алданиб колдим, балиқчининг алдовига

10.10.2010

Не учун юрак курсур безофта бугун
Осойиша эди, ўтган йиллару-тун
Билмадим, не учун тўполон қилас бу кун
Ё, хиссий кечинмалар, этдиму мафтун.

Тириксан, кераксан ўрил-қизинга
Гоҳон каноат топмас топган тузинга
Кетсанглар йўклик сари йўлдош бўлиб
Тик қаролмас, йўклиқдаги кўзинга.

9.08.201

ҮРИК ГУЛИ

Үрик новдасига гул қўнибди
Уйкудан ўйғонмай, тонг келибди.
Зулфига толпопук такмай туриб
Зумда, гулларга ўраб кетибди.

Қошига борсам, мендан сўради
Бир гапириб, икки бор қулади
Чаккасига такқан зарни кўрсатиб
Бахтини, элга кўз-кўз қилади.

Сахарлаб келибди ошиклари
Йиғиштирилмасдан қошиклари
Гул чамбараг қийиб бошларига
Ҳеч ҳам тугамайди кўшиклари.

10.03.2011 й.



ГУВОХ БҮЛДИМ

Йўлак қолиб майса юзини
Тап – тап, ўтди бу одамизод
Тикилиб турган нигоҳларни
Кўрмасликка олди, олий зод.

Изидан бориб, ҳайрон колдим
Аянчли кўз ёшларга гувоҳ бўлдим
Қадди букулган дил эзилган
Оҳ – воҳлардан огоҳ бўлдим!

Майсаларнинг зулфи ёйилган
Оғзи бурни қонга бўялган
Кўйнидаги севикли чечак
Бахт ўрнига тунга ўралган

Қадамингизни ўйлаб босинг
Демас экан бекорга элим
Майсани хам жони бор, билинг!
Ўз гўшаси бор, жуда сўлим.

3.03.2011 й.

РАЙХОН

Ҳали ишқимни баён этганим йўқ
Нимагадир кўнглим райхонимдан тўқ
Сизнинг, дидингизга ёқмаса райхон
Нега, нигоҳингизла отасиз ўқ.

Балки ҳеч нима тушинмайди дерсиз
Бу гул ишқ дардини билмайди дерсиз
Қачонлардир, сиздек ниҳол бўлгандим
Гўзал райхонларга пайхон отгандим.

Кулманг ҳолимга кўзларимга бокинг
Мендек сиз ҳам, ишқ сойларида оқинг
Сочларингиз мош-кичири бўлганда
Илоҳим, ўз райхонингизга ёқинг.

7.05.2011 й.



ЧАМАНДЕК

Йўлим тушди гўзал гулзорингизга
Ишқим тушди сулув рухсорингизга
Асли хумор эдим висолингизга
Тўймасдим тикилиб жамолингизга

Келиб, жазавага тушган шамандек
Юрагим доира этиб чалардим
Булбул қучогида маст, чамандек
Гоҳ очилиб, гоҳ сочилиб сўлардим

Ёмғирдек томчиларди кўзёшларим
Гоҳ тундек тутиларди қуёшларим
Баъзан жаҳанам оловида ёниб
Кўрқардим, етмайди деб бардошларим.

25.04.2011 й.

ТҮЙ ХАТИ

Тонг сахарда қалдирғоч
Учиб келди уйимга
Бугунмас эрта үтиб
Боргин деди түйимга

Қанотида қалдирғоч
Түй хати ташлаб кетди
Юрагимни қорасоч
Оловга чүлғаб кетди.

10.03.2011 й.

ҚАЛДИРҒОЧИМ

Сой бүйіда үтиргандым хаёлга чұмиб
Учиб үтди қалдирғоч сой сувини үпіб
Жилваланиб кетди сувнинг сокин юzlари
Кувончларга түлди, қалдирғочнинг күzlари

Мендан уялди шекилли тез учеб кетди
Хайру-хушни йиғишириди-ю, шошиб кетди.
Сойнинг сувида қалқиган ойомо аксин,
Сувнинг юзидан, қанотига илиб кетди.

Бу учқур қалдирғочлар, менинг мухлисларим
Хар күрганимда ортиб борар ихлосларим
Күрмоқ истасам ёрнинг қора қошларини
Күрсам қалдирғочим, тарқайди афсусларим.

27.07.2011 й.

ЭХ ДҮСТИМ

Эх дүстим мен буюкликни истайман
Бүлмаса, нега келдим, бир қишлоқдан
Майлига, мардикор бўлиб ишлайнин
Ахир туз, топдим тармалаб ташлоқдан.

Сенга қизиқ туюлар менинг ҳолим
Меҳмонга кел! кўяман топиб борим
Ҳатто, бўлган шундай мудхиш кунларим
Уйинг йўқми деб, сўз қилганда ёрим

Хозир эса ҳаммаси бир ўтмишdir
Ёлғизлик, муҳтожлик тарих бўлмишdir
Тарихнинг мен билган билмаган сўзи
Келажакка, янги лавҳа битмишdir.

Дўстим бу дунёда яшамок учун
Аччик-чучук, куну-тунларни ўтказдим
Қуш каби қанот кокиб учмок учун
Эх, ёшлик деган дамларни ўтказдим.

2.01.2011 й.

МИЛЛАТМИЗ

Энг беозор қүш мусича
Гохон мудрайди тонгача
Жуда ношуд, жуда ожиз
Баъзан ку-кулар кечгача

Хайрон қоламан гоҳ бокиб
Жуфтин, кўрса кетар окиб
Бир лаҳзада жон киради
Пешвоз чиқар қанот қокиб

Биз, мусичадек бўлмайлик
Биз, маломатга қолмайлик
Ўзбекмиз, буюк миллатмиз
Бошни эгиб ҳеч юрмайлик.

9.05.2011 й.

* * *

Бир кун кўрдим икки қапалак
Уришиб қолди, талашиб палак
Бир кунлик яшаса ҳам улар
Нега? уришқок, - айт! – эй фалак.

ЮРАГИМ

Кўкни кучиб учган куш каби
Қанот қоқиб учгим келади
Булутлар кулса уларнинг таъби
Бир кун менга йўлдош бўлади.

Қанотим бўлмаса ҳам қўкни
Хаёлимда кезиб чиқаман
Қидириб, ишкомдаги токни
Ой-у, юлдузларга боқаман.

Кўксим қувончларга тўлдирган
Гоҳ йифлатиб, гоҳо кулдирган
Юрагим ёнавер, куявер
Аллохим, борлигин билдириган.

7.06.2011 й

* * *

Акиллайверма эй кучук
Тилу – забонинг сал чучук
Ишонасанми? – танишга
Ўргангандисан? – олқишига.

КЕЧИНМА

Чироф атрофида гиркапалак
Фуж-фуж ўйнар чивину-капалак
Оташ-у, олов күйдирмасин деб
Юрагимда фулгула, жон ҳалак

Тикиламан сўрайман эй фалак
Гоҳ ялинаман, тилайман тилак
Оташингдан асра азиз жонни
Қанотин кўйдирмасин капалак

Нима ҳам жони бор бечорани
Топмас оловга қарши чорани
Учади илҳомланиб чироғдан
Фориғ бўлиб ишқ, алам фироғдан.

7.04.2011 й.





ҮЗИММАН

Наҳанг оғзидаги чавақдек
Ёлғонларга қул бўлолмайман
Қизариб ботган бир шафакдек
Булатларга қош коқолмайман.

Кўраман кунда турли одам
Амалга қараб ташларқадам
Салом-алик қилас дам-бадам
Мен эса, ундей қилолмайман.

Юмшоқ поёндоз тўшолмайман
Сермулозамат бўлолмайман
Тик қоматли, теракдек ўсдим
Эгик, Мажнунтол бўлолмайман.

Кийнама дўстим, кийналган жон
Мен ўзимман, ўзга бўлолмайман.

3.06.2011 й.



ЙИГЛАМА

Бу кеча юрагим йиглайди
Азада йүккаб йигловчидай
Дилим нималардир истайди
Сув сүраб келган йүлловчидай
Йиглама юрагим, йиглама

Сен йигласанг мен ҳам йиглайман
Үзни куярга жой топмайман
Биламан рух күкни күзлайди
Лекин мен яшашга түймайман
Лек, сенсиз заминда нетаман

Излагин мени майхонадан
Гиёх босган бир хилхонадан
Оч, бўрига мурдам ташлагин
Жудо, килмагин тўйхонадан
Йиглама, юрагим йиглама

Биламан, сенга оғир бўлди
Мен билан елканг яғир бўлди
Факат сен тушинасан ҳолим
Ёшинг, билмай деганда чолим
Йиглама, юрагим йиглама.

10.05.2011 й.

РУХИЯТ

Гоҳида юрагимдан қон ичаман
Тўйиб кетиб бу дунёдан воз кечаман
Билиб-билмай қору-музлар кечаман
Баҳор келса, яна кузни кутаман

Ҳеч билмайман нималар хоҳлашимни
Гоҳон бозорларни ёлғиз кезаман
Адашган кучукдек топмай эгамни
Баъзан мозорларни босиб ўтаман

Таъзим айлаб қабрларга тин тортаман
Бобо-момо, ёшларни ҳам қўраман
Самода учган юлдуздек учиб бир кун
Азизларим, ёнингизга келаман.

1.09.2010





ГИЛОС


Бахорда ўғлим этиб ихлос
Ховлига экди бир туб гилос
Күрсатганда илк гулчасин
Күзлари ял-ял ёнди, чарос

Гилосга бериб бор меҳрини
Тез-тез силарди кокилини
Ишлатиб инсоний сехрини
Орзикиб кутарди ҳосилини

Қараб, хурсанд бўлдим ишига
Чимирилган қора қошига
Айт ўғлим, тўймасмикан одам
Меҳнат қилиб, топган ошига

Яхши одамдан боғ қолади
Курук қошиқ, тамок йиртади
Гар, кимирласанг тоғ келади
Нихол эк, кўнгил чоғ бўлади.

27.02.2011 й.



ГУЗАЛИМ

Үтиб йиллар бир кун кетсам ҳаётингдан
Ўзим-ла, осмонингни олиб кетаман
Ёмғир томчисидек, томиб қўзларингдан
Кўз ёшдек яноғинга сингиб кетаман.

Намланган киприклар ҳам қурийди бир кун
Жуда ҳам узун бўлур, менсиз ўтган тун
Бир парча қоғоз ёки синган мўй қалам
Эгасиз қолгани килади, гоҳ алам.

Балким, ёд этарсан, бағринг тўлиб конга
Балким, таскин топарсан ўқиб фазалим
Балким, ишонч йўқолур шавкату-шонга
Лекин, йиғлама ҳеч ўлим ҳақ гўхалим.

2.02.201



ОРЗУ – ТИЛАГИМ

Тоғларни кезайми, Боғларни безайми
Висолинг, шамоллар сасидан сўрайми
Ойнинг юзига тикилиб кора тунлар
Хаёлимда сокин самоларни қучайми?

Гар, орзуларим – армонларга айланса
Армон-деган шаробдан тўйиб ичайин
Агар зулфларинг азалий дор бўлса
Ўша дорнинг сиртмоғида мен ўлайн.

Юрагим тўлиб-тошиб кетса зардобга
Бу ишкий оташларни тутай офтобга
Қонларим ўрнида оқсин ишкий шароб
Тутай, бир култум ўшал моҳитобга

Бас қилгин энди, йифлама кўп юрагим
Армонни, камон ёй, ўки деб ўйлама
Орзулардан қолмагин орзу-тилагим
Сенсан, ёлғизгина иллоҳий малагим.

3.12.2010 й.

* * *

Санага қарасам жума экан
Муборак этмаслик гуноҳ экан
Тердим, боғлардан гуллар сенга деб
Бир гулга зирак тақдим менга деб.

ДИЛ ИСЁНИ

Бир неча тунлар-ки қалам олмайман
Күзёшларим қаён, тўкиш билмайман
Айт! – эй қофоз юзларингни безайми
Илҳом олиб, оташингда ёнайми?

Нега жимсан гапирсанг бўлмайдими
Дилимга малҳам бўлсанг бўлмайдими
Ёнингдаман, термуламан кўзларинга
Қалбим интиқ, интизорман сўзларинга.

5.02.2010



СОЯ СОЛГАНДА

Мени кутгил, ой сепин ёйганда
Юлдузлар ҳориб күзин сузганда
Ерни ёндириган күөш, тиним топганда
Аккилок, итлар мизғиб олганда.

Мен қайтарман ўт-ўлан баргыда
Тофу-тошлар ё девор тагида
Мени кутволгин баҳор чоғида
Ишк, деган юрагингни боғида

Шошилмасанг, азизим бүлмайды
Келибди баҳор, бизни кутмайды
Дийдорлашмасак, баҳор тонгида
Хижрон, яна ёзу-қишиңайди.

Мени кутгил ой сепин ёйганда
Айвонимга қалдирғоч күнганды
Жудолик деган мұдхиш құланка
Қошинга келиб, соя солғанда.

19.06.2011 й.



Ё ТАВБА

Юзларим ловуллаб кизарыб кетди
Бүғилиб товушим бүзарыб кетди
Қани! куёв бола келинг! – деганда
Жисмим оловдек ёниб, гувиллаб кетди.

Дастурхонда туршак, майиз рангма-ранг
Нафсим тийиб чидадим зўрға – аранг
Қани? – нондан олинг, чой ичинг! – деди.
Уйғониб кетдим, тушим экан – қаранг.

7.03.2011 й.



ХАЁЛИМДА

Хаёлимда күш бўлиб учиб кўрдим
Кимсасиз сахроларни кезиб кўрдим
Кумликларда изғиган, рухлар билан
Мухаббат мавзусида сұхбат қурдим.

Кўплаб карвонлар бунда бўлган экан
Ишк деган туйғу – сарбон, юрган экан
Кўксини ёндирган, ишқий лолани
Кумликлар аро мангуда кўмган экан

Кўмилган юраклар, кизил лоладек
Сепин ёяр экан, фасли баҳорда
Безовта бўлиб, уйғонган боладек
Қўшиғин айтар экан ҳар сахарда

Бундай маҳзун куйни эшитмаганман
Бундай сокин тонгни кўрмаганман
Бағри – дилим тўлса ҳам саробга
Лек! – ишқим сахроларга кўмаганман.

21.01.2011 й.



ГУЛИ РАЙХОН

(Бувим Саида хотирасига бағишлайман)

Бувим севарди, райхоннинг исини
Фарқламасди, хеч ранги – рўй, тусини
Ўлсам қўйгил қўксима райхон баргини
Мангу гинглаб ётай, райхон сасини

Ахир бу гул жаннатнинг гули райхон
У ҳам мен каби топширади имтиҳон
Сўзлаб туриб гоҳ райхонни хидларди
Кулиб, дастурхонга аста қўярди.

Йиллар акси соchlаримга оқ тушди
Менинг ҳам райхонларга ишқим тушди
Бувим исини ўғирлаган райхон
Кел! қучай сени, қилмагил имтиҳон.

8.02.2011



ҲАЙРОНМАН

Үчокдаги олов тафтидан
Қора козон қизарыб кетди
Бевафо малакнинг кафтидан
Ишкий гуллар сирғалаб ўтди.

Билмадим қанча нома олганин
Кимларга умид – олов ёқанин
Тоғларда, учган архар эдим
Билмам, қандай тушов солганин.

Энди жиловланган тулпорман
Кулса, яғрим тутиб турарман
Мухаббат тизгини қўлимда
Хар йўргага гоҳ юарман.

8.02.2010 й.



ЁЗ ЁМФИРИ

Тандирдек қизиган заминга
Гүё бодроқ сочилди ёмфир
Отошда ёнган бу заминга
Малҳам бўлди бу ёмфир қурғур.

Тупрокнинг ҳовури пасайди
Қуёш тифин шашти сусайди
Кўзи қизарган күёш – деди;
Қани? куч, ёмфирга етсайди.

Кўксидан томчига жой бериб
Гулларнинг, кўзлари сузилди
Бир дамгина кутганин кўриб
Юрак-бағри кўнгли бузилди.

Тонг-ла, тилло бошли аждаҳо,
Пуркай бошлади ўт-оловин
Ўкириб келган, булут – даҳо.
Тизгинлади, бебош яловин

13.06.2011 й.

ТАНИШИМНИ МАШИНАСИ

Машина-ку топилур, кетсам қайтмасман
У дунёда балким, машинада юрмасман
Ўксиган қалбим ила жавоб бермасман
Парвардигор карами, ёлғиз колмасман.

Балким қучарман Хумо қуши имонни
Балким, ўпар мени, жаннат гули район
Баъзан ўйланиб қоламан Парвардигор
Нега яратдинг, хасис этиб инсонни.

1.03.2010 й.

ОЙ БИЛАН

Бир кун кечаси, сўзлашдим ой билан
Мехмон этдим уни кулчатой билан
Зулфларин сийпаб, тикилдим юзига
Юрагим ёниб, тўймадим сўзига.

Хаёлда учдим кўкга, бир зум у билан
Қалб қолди тентираб телба сой билан
Сой соҳилида қолган ёлғиз Мамнунтол
Қалбин очди аста, доду –вой билан

Мен розиман, ой кўйнида сузишга
Кўксисда тузалмас бир дор бўлишга
Тайёр эмасман, бу мажнунтол каби
Зулфин ёйиб, ёлғиз, хаста ўлишга.

8.02.2011 й.

ҮТГАН ДАМЛАР

Гулзорлардан жоним сизни кидирдим
Тикон кирмасин деб, йўлак супирдим
Кўз ёшларим тўқдим, кечдан-тонгача
Фаму – алам, хижрон дардин симиридим.

Фам чангалига тушиб, шароб ичдим
Ўйламай – нетмай кайфда тикон кучдим
Юрагимда ёнган олов кул бўлди
Ишкда ёнган, хушсиз куш бўлиб учдим.

Гулзорлардаги гуллар ҳам тўкилди
Сарв қоматим, аста-секин букилди
Юракка тикилган, ишқ гулин рамзи
Чок – чокидан – ё товба! барвақт сўкилди.

8.03.2011 й



ХОТИРОТ 95 й.

(Кизим Камола хотирасига)

Сокин самода порлар эди юлдуз
Тонг отмокда, изғириң эди кундуз
Қийналиб, жон берарди шифохонада
Ота-онасин кутиб, жажжи бир киз

Чүкаётганлар, ёпишгандек чүпга
Ота-онанг югуради ҳар томон
Яноғдаги күз ёшлар томди лабга
Айрилик дарди бүлар экан ёмон.

Бобур сұраган экан, этиб илтижо
Аллохдан Хумоюн дардига даво
Мен ҳам сүрадим Яратгандан – Лекин!
Кизим дардингга ҳеч топмадим шифо.

Кизгинам келиб бу ёруғ дунёға
Она сийнасидан үзға не күрдинг
Тик боқа олмайын, нуру – зиёға
Не сабаб, зулмату-заминга кетдинг

Кизгинам келиб бу ёруғ дунёға
Жажжи құлларинг чүzsанғ бүлмасмиди
Самодаги түлин оймомо каби
Онанг күксіда, сузсанғ бүлмасмиди.

7.03.1995 й.

ПОРАХҮРНИ ТАВБАСИ

Тарновдан тинмай томчилар томчи
Юрагимга урилар, гүё қамчи
Томчи-ку майли огрийди танам
Қиймалайди сабабсиз бир кайчи

Деразадан бокиб, кун санайман
Тонг висолинга тўймай яшайман
Қуёшнинг зарҳал кокилин қўрсам
Шукр! дейман сўнг сажда қиласман

Хаёлимдан кетмас жарак-жарак пул
Софлик кетди, ҳаммаси бўлди кул
Имонни сотгандим пул деганда
Илжайиб олгандим пул берганда.

Вужудимни қийнар зебу-зорлар
У ён, бу ён ўтади одамлар
Қўлларим ўргангандан олишга
Нега қиё бокмасдан қадамлар

Ахир ҳаммангиз севардингиз-ку
Доим пул олиб келардингиз-ку
Кўча-кўйда гар кўриб қолсангиз
Кўл узатиб, пул берардингизку

Энди-чи! ўрнимдан туролмайман
Пул тугул, кулни ҳам ололмайман.

8.08.2009

ҚИСМАТ

Нима учун севиб, севмайман дейсиз
Олиб гулим, сүнгра олмайман дейсиз
Севиниб чопиб келасиз қошима.
Кулиб туриб, баъзан кулмайман дейсиз.

Мен гапирсам, чаппак чалиб куласиз
Зулфингиз ўйнаб, кўзимга сурасиз
Баён этсам ширин орзуларимни
Бир зум ўтмай чукур ўйга толасиз.

Мана бу кун иккимиз, икки ёндамиз
Орзулар, фунчаламаган чўлдамиз
Тақдир тўфонида қолган кичик чўп,
Худудлари аник, сокин кўлдамиз.

Ҳар ким эшар, ўз эшкагин ўзича
Кўкда учган қалдирғочлар кўзича
Орзу-деган армонларнинг – охидা
Яшаймиз, гул бўлиб, очилмаган фунча.

19.07.2010 й.

* * *

Нима учун одамлар уруш килади
Урушни этиб касб-кор юмуш қилади
Түкилган қонлар, күз ёшлар эвазига
Идиш-товоғин олтин-кумуш килади.

СИНФДОШ

Кизгалдокдай титрайди баъзан лабларинг
Олис ўтмиш манзилин, қучар ўйларинг
Лолазорлар кўйнида, шамол назмидা
Кулогимга чалинур, маҳзун куйларинг.

— СИНФДОШ —

Кўз ўнгимдан кетмас, қоп-кора соchlаринг
Ўсма-ю, сурмага чўмилган кўзларинг
Нақшинкор олмадек ёнган юzlаринг
Тинчгина ўтири, деган кескин сўзларинг.

— СИНФДОШ —

Икки қизнинг икки аждар кокилини
Бир-бирига оҳиста боғлаб қўярдим
Бир кулмоқ бўлиб, кўриб улар холини
Тегишиб, эшик томон тезда қочардим.

— СИНФДОШ —

Шунга ҳам – э-ха, кирк баҳордан ошибди
Анҳорлар ҳам гоҳ қўмилиб гоҳ тошибди
Билсам! муҳаббат деган туйғу ўшандা
Олов бўлиб чўғланишга сал шошибди.

— СИНФДОШ —

ИШҚ ОЛОВИ

Рухсат берсангиз, қошингизга борайин
Кипригингиз соясида тин топайин
Рахмингиз келсин, мендайин бедавога
Құлингиздан гул косада шароб ичайин.

Ишқ шароби яйрасин томирларимда
Юрагим таскин топсин сабрларимда
Севинч ёшлари юмаласин юзларимда
Ёрқин юлдузлар порласин күзларимда

Гулзорлардаги бир гул эдим, сүлган эдим
Мұхаббатнинг соҳилидан юрган эдим
Ишкий туфон тентиратди сойларида
Ишиқни мен бир чүнчак дея билган эдим.

Кипригингиз найзасин ортиқ санчиманг
Рухсорингиз шайдосин ортиқ қамчиманг
Мажнунтолдек әгилди, қадди-коматим
Хаста дилим қоласидан ҳеч чўчиманг.

Байчибордек чопкир эдим, чақин эдим
Тўфонларга бўйсинмаган тўлқин эдим
Жамолингиз кўрдим, отошида ёндин
Қандай олов чўғининг тафтида куйдим.

24.05.2010 й.

ХАҚИҚАТНИ БИЛАЙИН

Бу ёлғон дунёning ёлғонларидан
Бир ҳақиқат излаб йиғлаган менму
Севаман деган ёрнинг ёлғонидан
Баъзан хор бўлиб бўзлаган менму

Бир куни келар қошимга Азроил
Бўйнимга қўяр тигин, этиб койил
Ҳақиқат истаб ёлғондан қочдингму
Унда, ёлғон эмас ҳақиқатдан сўйил

Майлига ҳақиқат учун ўлайин
Аввал, Лахатимни ковлаб келайин
Балким Лахатимда кутар ҳақиқат
Ўлмасдан, бу ҳақиқатни билайн.

10.09.2010 й.



ЖИЙДА ГУЛИ

Күчамдаги бир туп жойда гуллади
Жисму-жонин, зарли гулларга ўради.
Күзү-кошин қоқиб мен ўтганда
Жаннат исин юрагимга пуркади

Үша кундан, ошнодирман исига
Қулоқ тутаман хар сахарда сасига
Қоматин күз-күз қилиб күзин сузиб
Табассум-ла чакиради қошига

Сүрөгим бор ундан, - Лек айтолмайман
Нега гулларинг Майда, сүролмайман
Жаннатдан келдингму-ё, экдими инсон
Үзга хушторинг борми билолмайман.

24.03.2011 й.



ЭПКИН

Беҳосдан, райхонга тегиб кетдинг
Атрофга тараалди муаттар ис
Бу оламда ёлғизгина эдинг
Бундай түйгүни, қиласанми ҳис

Хатто шамоллар ҳам сенга ошик
Гуллар күзида, қулоч ёяр ишк
Зулфларинг назмида куйиб-ёниб
Баъзан шамоллар, куйлади күшик

Наҳот-ки, шунчалар қийин бўлса
Кириш, кўнгил деган кашонага
Толеимда битгани ҳақ бўлса,
Битилгандир, Равшан пешонага.

20.04.2011 й.

* * *

Нигохи, кўнглимни вайрон килди
Телбаман. Одамлар хайрон бўлди
Алдади. Кочди мендан, оху бўлиб
Ишқда. Туткич бермас жайрон бўлиб.



ИЗЛАЙДИ

Ё, тавба! Осмонга ким олов қўйди
Нега чўпон отларин, ялов қўйди

Ширмондек кизарди, куёш юзлари
Нега само, кошин чимириб уйди.

Қаерлардандир келди, дайди томчи
Изинсиз гулзорларга, қўнок бўлиб

Куваладиму? шавқатсиз бир овчи
Гоҳида шамол, гоҳон тўфон бўлиб

Қарасам томчига, дир-дир титрайди
Нималардир деб, гулга чулдираиди

Баъзида қалтираб, баъзида титраб
Фунчалар кўксидан, макон излайди.

25.03.2011 й.





ВО, АЖАБ!

Ажаб, ажабвой-эй ажаб!
Мунчагүзал бүлмасангиз
Тилдан қолди Равшан Ражаб
Бүлмасэнди келмасангиз

Кипригингиз, малҳам бүлсин
Ниятингиз, илҳом берсин
Нигоҳингиз жоним олсин
Висолингиз насиб этсин

Майлига, қийналсан жоним
Зулфингиз дорида қолиб
Тиним топсин, қайноқ қоним
Кафтингиздан емак олиб

Ажаб, ажабвой-эй ажаб
Мунчагүзал бүлмасангиз
Тилдан қолди Равшан Ражаб
Бүлмасэнди келмасангиз.

10.05.2011 й.



БИЛМАС ЭДИМ

Хар куни бирга эдик, билмасдим қадринг
Кулиб қўярдим, ха бу энди тақдиринг
Сен кетдинг жазирама, ёзниң кунида
Тонг палласида, юзимга қўнди шудринг.

Аввал, кетмагандинг унча узокларга
Қолдириб мени сабабсиз фирокларга
Кўнгил боғига келди, беҳосдан кузак
Чолғусин чалди гоҳ жўр бўлиб зоғларга

Масраларга тушди, айттолмаган сўзим
Ухламоқчиман, лекин юмилмайди қўзим
Биламан, қайтасан уч-тўрт кунларда
Қайтмайдиганларга, Аллоҳим, берсин тўзим.

7.06.2011 й.



ТАҚДИР УЛУШИ

Жимгина юрган эдим, китобим ўқиб
Билганимча, қоғозга нимадир ёзиб
Хаёлимда севардим, кулиб кўярдим
Умрим ўтмоқда эди, сой каби окиб

Энди-чи, сахроларга кўчиб кетаман
Баъзизда, самоларга учиб кетаман
Тонга қадар шаббодаларнинг сасидан
Истаб, овозинг, топмай чўчиб кетаман

Нима ҳам бўлибди севса кимнинг айби
Ишқ боғига ниҳол экайми, тоиби
Ё кутайми кипригин найзасин санчиб
Мұхабbat боғидан келишин ишқ ноиби

Ўзим-ку ҳеч билмайман, қандай юришни
Ёки ғам чекиб, ёки шодон кулишни
Балким, соchlаримни безаганда киров
Такдир ҳадя этдими, ишқий улушни.

7.06.2011 й.

* * *

Бир мажлисда котиб сўз сўради
Янги раҳбарга парвоз тилади.
Эътиборга тушса у, ушбу кун
Ошиғи – олчи, шаввоз бўлади.

САРОБ

Кутиш, соғиниш, шунчалар азобни
Күксимни ёндириган ул Мохитобми
Юрагимни сахрога айлантирган
Күзларим илғамас офтобми

Билмадим, нима бор севгидан улуғ
Нимадир! борга ўхшайди қалбимда
Гоҳ кўнглим кўтариб, этади кутлуғ
Саробдек жилваланиб кўз ўнгимда

Сароб бу, Армонми, ўтмишдан келган
Баъзан, хаёлим елдек олиб кетган
Софинишдек хисни дил узра ёйиб
Армон тиги ила яралаб кетган.

10.06.2011 й.



ИЛК МУҲАББАТ

Сени кўргум келур ҳар сахарда
Тарновдан томчи, томиб турганда
Муаттар райхон иси ҳар нахорда
Қалбим узра хос исин ёйганда.

Гоҳ шамоллар эсиб ўйнаганда
Кеча – оқшом – дея қуйлаганда
Райхон иси қамраб вужудимни
Илк муҳаббатни ёдга солганда.

1.06.2011 й.



ҚҰРҚАМАН

Нега учрадинг, яна эрта баҳорда
Күкда қанот қокқан қалдирғоч каби
Намланмай құйғанди күзлар ҳар сахар
Кечки кузакда, күнгән шудринг каби

Хаммаси қайтди аввалгидек бошдан
Намланди, куриган хос киприкларим
Титради юрагим. Эмас-ку тошдан
Бошланди бошдан менинг югурикларим

Армонли, саробга айланған орзу
Умримга келмоқда эди торозу
Қалбимни чүлғади, ўтмишдаги түйфу
Құрқаман келтирмаса –деб қайғу.

2.03.2011 й.



КҮМАК БЕРМАЙДИ

Дунёда ёмон нимадир? – дерман ҳасад
Ҳасад дарди ёмон, кутар сени Лаҳад
Хохлаганингча қилгил ёмонлиғ, ён, куй
Сендан ҳеч қачон чиқмайди – Абдуллаҳад

Аллоҳим берган тузни теради ҳар ким
Пешонага ёзилганин кўрар ҳар ким
Бўлмоқ бўлурсан ишхонада ҳоким
Билсанг, бу дунёда сен тариқсан ҳеч ким

Отанг балки, бўлмоқ истагандир ҳоким
Онанг бешикни кучиб, топгандир таскин
Бу дунё эса тарозига солгувчиидир
Гоҳ ўзинг йўқотсанг, қайтиб олгувчиидир.

Дўстларга фараз қарама, қўз тўймайди
Кўз дегани тупроқни ҳам тан олмайди
Маҳзун куйлар чалиниб келганда ўлим
Сен топган дунёларинг, кўмак бермайди.

15.05.2011 й.



ЧИҚИЛЛАЙДИ

Девордаги соатга қарасам чиқиллады
Күксимдаги юрагим сув каби лиқиллады
Гохидә алам, гохидә ғам, гоҳон шодлиқдан
Юрак. Умр деган дафтаримни варақлайды

Хар варағига битилар янги бир лавҳалар
Янги күн учун очилар, янги сахифалар
Бугун йўқолиб, эртага уйғонар бошқатдан
Юракни эзғувчи, ёлғон ё чин шубҳалар

Баъзан тонг чоғи, уни хонишини тинглайман
Нима сабаб, ўқсиб ёнишини билмайман
Янги келган кунимни, қадрига етай дейман
Югуриб-еламан, қандай ўтганин билмайман.

7.06.2011 й.

* * *

Бирин алдайсан, бирин силтайсан
Ёмонлиғдек касбни ҳеч кўймайсан
Ақл! тўлиб тавба! қилмоқ бўлганда
Сокин Мозорда, таскин топгайсан.

2.06.2011 й.

НИМА ҚИЛАЙ

Ҳақиқатни истаб кездим маконни
Олиб құлга, ҳақиқат деган пойконни
Күрдим күп яхши-ю, күрдим күп ёмонни
Ё раб, ҳасад түрига тутилган инсонни.

Юрагимни оғир тош эзіб бормоқда
Ҳақиқат водийсіни кезіб, ёнмоқда
Мен севган, ё севмаган гүзал гулларим
Ҳақнинг йүлида аста сүлиб бормоқда

Нима килай? Излайверайми? Билмадим.

2.06.2011 й.



ҮЙ

Қачонлардир узатгандик
Бир қизни құшни кишлоққа
Ортидан, тошлар отгандик
Үрнашсин – дея тошлокқа

Бугун қайтди Сарпо билан
Келин қизи Зебо билан
Кечаги қиз бу күн момо
Дуо! үкир ибо билан

Нигоҳ ўша, сирли гүша
Зулфлар сал оқ тортибди
Фунча гулинг давон оша
Келинлик, изинг босибди.

11.06.2011 й.

ИЧКИ ХИССИЁТ

Билсангиз, кечира олмайман бир нимани
Ёлгон – ёшик, ёпиширилган танани
Жумбушга келса ҳам иссиқ коним, жоним
Индамай ёзиб құяман ул санани

Үйламанг, яна қасдини олади деб
Қийнаманг, шүрлик юрагингизни хадеб
Яхшиси, ҳайдаб юборинг олисларга
Хасадбек деган тулпорингизни чух деб

Олисларга кетсин чопиб қайтмасин хеч
Дилингиз ёришсин тонгдек тушганда кеч
Бир чашмадек тиниклашса құзларингиз
Асал, болға мойил бўлар сўзларингиз.

12.06.2011 й.

* * *

Одамлар дейди замон ўзгарган
Ўзгарса ҳам жуда ёмон ўзгарган
Замон ўша, ўзгармаган – билсангиз,
Балки, банда деган инсон ўзгарган.

ШАМОЛЛАР

Шамоллар баъзида эсади сассиз
Фунча япрокларин, силайди унсиз
Гул япрокларига ташна эди дил
Илк бўсани олибди шамол эссиз

Шамолларни шайдоси бўлиб қолдим
Ортларидан чопқиллаб кутиб қолдим
Турфа гулларимга разм солдиму
Ўгринча бўса изин кўриб қолдим.

Ҳайратдан ёққамни тутдим, - тавба!
Наҳотки шамол ҳам мендайин телба
Бўсалардан бўлиб чексиз mast – аласт
У ҳам топмабди, ўзига бир кулба.

12.06.2011 й.



ДЕДИНГИЗ

Майлига хукм этинг бугун ўлимга
Тутказинг фармон, муҳр билан қўлимга
Муҳаббат кундасига, қўяй бошимни
Ишк деган, жаллод оқизсин кўз ёшимни.

Нега, ўйланасиз ўкинг хукмингизни
Курмайсизми, зулфингиздан дорингизни
Қийнамай жоним, айтинг сўнги сўзингизни
Ойболта қилманг, камондек қошингизни.

Қалдирғочлар, келсин, дедингиз келишди
Гули райхон кулсин, дедингиз қулишди
Кўкдаги ой тўлсин, дедингиз тўлишди
Кўриб ҳолимни юлдузлар ҳам қулишди.

Унда нима учун келдингиз, кўнглим саройига
Малҳам бўлмасангиз дилим дод-войига
Ёки, сурдингизми, хукмингиз ижросин
Келгуси кўклам, баҳор наво – ойига.

12.06.2011 й.



КЕЧИРИНГЛАР

Мени алдаган, мен алдаган
Нов ниҳол нафис ғунчаларим
Пок – юрагин тутиб ол! – деган
Ой юзли ширмон кулчаларим
Кечирсангизлар, кечиринглар.

Ишқимиз бўлсин бир ривоят
Ўтмишда қолган сир, хикоят
Рашқ ўти билмас эҳ жаҳолат
Таскин топсин дилим ниҳоят
Кечирсангиз, кечиринглар.

Кечирмоқлик азалий одат
Севмоқлик, жаннатий саодат
Айтинглар-чи, менга эй гуллар
Ким ҳам ишққа этмас ибодат
Кечирсангизлар, кечиринглар.

Умрга келмоқда тош – тарози
Гул ғунчалар бўлманг норози
Ул, кечинмалардан, дил рози
Яқин, ҳаста юрак парвози
Кечирсангизлар, кечиринглар.

25.05.2011 й.

КОРА КҮЗЛАРДА

Кора күзларда ғам, шодлиу-гу, алам күрдим
Қошларда қувончдан сурىлган қалам күрдим
Киприклар шодасида садафдек тизилган
Күз ёшлар түдасига, унсиз гувох бўлдим.

Нигоҳларинг қаърига чўкиб, ўлгум келди
Рози бўлсанг боғинга боғбон бўлгум келди
Қора мунчоқдек күзларинг ёшга тўлдирган
Ул мажнунингни, ёнгинангда кўргум келди.

16.06.2011 й.



ЮРАГИМ ИККИТА

Турфа гуллар орасида, бир гулни күрдим
Қанчалар ошиқлигим ўша замон билдим
Ул гулга тикилдим, нигохимни узмасдан
Гўзал у, гўзаликдан ион сабок олдим.

Билдим-ки, шу он юрак иккитадир менда
Бири тенгсиз нафис гулда, бири оҳ сенда
Икки юракли бўлганим-чун, ҳар кун ҳар тун
Консираган жамод тифи, кутади кунда.

Икки юрак қай бирига, сажда этайин
Ё сенга, ё гулга юрагимни очайин
Сўкир бўлмоқда кўзлар нима ҳам қилайн
Яхшиси, дардим ғазалларимга битайн.

1.07.2011.

УЧРАШДИМ

Болалигимдаги боғлар кесилиб кетди
Юрагимдаги бор доғлар тузалиб кетди.
Осмонимдаги тўлин ойлар, ойи! – бўлиб
Жон оловчи аждар соchlар кесилиб кетди.

Орзуларимни оҳ армонларга алмашдим
Ишқ ахли бедаво, аларга мен қаращдим
Сочларимга тушди оқ, чекдим чексиз фирок
Мен ёшлигим билан бу кун, яна учрашдим.

8.08.2011 й.

ОШДАН КҮРА

Беҳосдан түйда күришиб қолдик
Үтган дамларни эслашиб олдик
Яхши, ёмон сүзлардан айтишиб
Бир муддатгина, кулишиб олдик.

Эсладик, шодлигу – аламларни
Сүкинчоқ, баджаҳл холамларни
Тол тегида «ҳаммомпиш» үйнаган
Нозик – ниҳол, гүзал санамларни.

Ё! тавба ҳаммаси ҳар томонга
Гүё қушлардек учеб кетибди
Кимлардир олиб күрпа-түшагин
Үзга юртларга, күчиб кетибди.

Шубҳали, мазали ошдан күра
Үз юртингда тош терган яхши
Үзга юртда шоҳ бўлгандан кўра
Үз юртингда гадо бўлган яхши.

14.06.2011 й.





САНЧГАНДА ЮРАК

Хориб күёш ёстикка бош күйганда
Күкча ой зулфларин ёйиб чикқанда
Эркатой юлдузлар күзларин сузиб
Оппок тонгни, эхтирос-ла кучганда.
..... Сени эслайман.....

Күзларим гавҳарига қўнган қуш
Яшайсан мен билан доимо гўё туш
Нафис райҳон эслатар сени
Ҳаста дилим баъзан, бўлганда сарҳуш.
..... Сени эслайман.....

Кесилиб кетибди, сойдаги терак
Балким бўлгандир, кимларгадир керак.
Ёлғиз шамдек пир-пираганда юрак
Ишқ азобидан, санчиғанда курак
..... Сени эслайман.....

17.06.2011 й.

* * *

Кексайган одам, суюнади асога
Билиб, билмасдан, юзланади худога
Ўтмиш гуноҳлари этилиб сарҳисоб
Учмоқ бўлур, қўшқанот бўлиб видога.

СОЙ

Йилтиллаган сойнинг сокин сувида
Ой сузар интиқ, ёрнинг куйида
Мавжга миниб ел қуйнида
Зулфин тарап, ёр ишқ куйида

Сой мавжи, баланд кўкни кўзлар
Ел тинса, гўё боладек йифлар
Кўксига кўнган ойга бўлиб маҳлиё
Таскин топиб ўзанда ястаниб бўзлар.

25.06.2011 й.



ТОНГЛА СҮЗЛАШДИМ

Ховлимда гуллади, боғим гулчаси
Кўз ўнгимда юзин очди фунчаси
Нигоҳига тикилдим, телбадек ёниб
Юз-кўзларига кўчибди ой парчаси.

Оппок паридек нозик оппок фунча
Сўйлади менга, нимадир ўзича
Тушинмадим сўзларинг, қайтаргин!
Деб! – эландим, ухломасдан тангача.

Тонг кўрди ҳолим, бокиб саволамуз
Фунча дардига, йўлиқдинг-му хофиз
Қолдириб кетгандим, тун бўйи ёлғиз
Наҳот қийин ишқни этмоқ талаффуз.

Киприкларинг нам, тукибсан кўз ёши
Етармикан хижронга, қалбинг бардоши
Пешонамни силаб деди – аста тонг
Ўксима! – порлар ҳали ишқ куёши.

26.06.2011 й.



Х.БОҚАЕВ

(волидаси руҳи покига)

Етти ёшимда, етим бўлиб қолдим
Отасиз хаста созим бўлиб қолдим
Онажоним қўмсаб исларини сасин
Кунда куйловчи хофиз бўлиб қолдим.

Накорат

Тоғу-тошлардан излай изинг Онажон,
Булбул забонидан тинглай сўзинг онажон.

Отам йўқлик сари ташлаб кетганда
Йигламагин онажонинг бор деганда
Эндиғина оғзим ошга етганда
Наҳот, онажон ҳам ташлаб кетса-я.

Накорат

Тоғу-тошлардан излай изинг Онажон,
Булбул забонидан тинглай сўзинг онажон.

Кўксим қонга тўлди, сийратинг сараб
Онажон сенсиз холим билсанг ҳароб
Кетмагай кўз ўнгимдан ўша тугун
Икки патириу, бир кийиқча ё раб!

Накорат

Тоғу-тошлардан излай изинг Онажон,
Булбул завонидан тинглай сўзинг онажон.

Ҳар зиналарда сени изи – пойинг
Ўйим тўла риску, сени дуойинг

Болаларим танимас боболарин
Эшик тиқ этса, кутар момоларин.

Накорат

Тоғу-тошлардан излай изинг Онажон,
Булбул завонидан тинглай сүзинг онажон.

Зиналардан чиқардинг күксинг түлиб
Ҳар зинада бир дам нафасинг олиб
Кучардинг қучоринга пешонам силаб
Күз ёшни, енгинг-ла орта солиб.

Накорат

Тоғу-тошлардан излай изинг Онажон,
Булбул завонидан тинглай сүзинг онажон.

Уйимни түрида гулли күйлагинг
Келиб кетинг она, бир яйрагин
Қай йүсінда бұлса ҳам жоним онам
Бир мартагина болам дея сүзлагин.

23.06.2011 й.



КҮНГИЛ

Күнгил нима? Уни бир күрмөкчиман
Бир дам у билан сұхбат курмөкчиман
Қалдирғочлардек тизилган, шошқатор,
Күз ёшларинг ёмғири, бүлмөкчиман.

Күнгил күксидаги юрак эмасми
Үксіб гоҳ, санчиган курак эмасми,
Күнгил күчасин, чангитинг, эй ёр,
Ёнган юрак энди керак эмасми.

Керак бүлмаса, нимани кутасан,
Улоқтирумайсанми? олов қўйнига.
Кўнгил кошонасин нега бузасан
Курмаганимидик бирга ишқ боғига.

* * *

Ой менга қошини кокди
Орзуладарим жуда ёқди.
Лабим ўйнаб зулфим силаб
Ишқ оловин яна ёқди.

* * *

Гўзал қиз сугорар бузорини
Бузоқ баҳона тузатар тузорини
Тузори тўқилган, зулфи-зоридан
Хасталангандар кўп озоридан.

2011 йиюнь.

СҮЗИМНИ

Эгасини йүкотган кучукдек
Тинмай чопаман у ён – бу ён
Бахорин йүкотган чечакдек
Самога бокаман, дил гирён

Нима қилай умр ўтмоқда
Фасллар бир-бирин кувмоқда
Ок-кора омухта бўлиб
Корли – киров босиб келмоқда.

Кўзгу аро кўрдим ўзимни
Танимадим қора кўзимни
Қорачигидаги олов қани
Ахир, айтмаганман сўзимни.

2011 й. июнь.



КИМ ЎЗИ

Түсатдан бир киз деди, Эй амаки
Борми, сизда чекишга бир тамаки
Нега чўчиб кетдингиз, ток ургандай
Қолоқмисиз, ўсганмисиз хонаки.

Чекишга бўлса беринг кайф қилайлик
Тотинманг аммаки, сухбат қурайлик
Пулингиз бўлса бир санаб кўрайлик
Ёлғон дунёда, ростини қилайлик

Тавба! ким, у инсонми ё шайтонми.

2011 й. июнь.





ОНАЖОН

Совук сойнинг соҳилида
Илиқ онам кўксин қўмсадим.
Мажнунтолнинг кокилида
Мунис онам, зулфин сийпадим.

Эгнидаги чит кўйлагин
Мехнатда қотган, хар билагин
Аллада айтган тилагин
Сокин сой сасидан сўрадим.

Сўзлашдим сой суви билан
Пуртанили, куви билан
Қўмсаб, кучоғинг онажон
Ухлай олмадим, туни билан.

2011 й. июль.

* * *

Бу кунлар ўтиб кетар
Либосу – зарлар қолиб кетар
Хуснинга, маҳлиё қалдирғочлар
Вакти келса, учиб кетар.



ИШҚ ДАРДИ

Мени шоир деб, купам ишқивоз бўлманг
Қўйинг оғритманг бекорга бошингизни
Ўзим ҳам билмайман гоҳида кимлигимни
Мухлис бўлиб гоҳ оқизманг ёшингизни

Сўрайди мендан, ўзингиз ёзганмисиз
Мунча қўп севгансиз Дон Жуон бўлганмисиз
Мисраларингизда нидо-ю, фам-алам
Ёки Мұхаббатдан завол топганмисиз.

Кўрдим севмай туриб сарпо кийганларни
Хидлаб гулни сўнгра кочиб юрганларни
Шоирни, кўрса девона-ю Машраб – деб,
Белбог ўрнига хивични тақанларни

Мұхаббат боғи кимгадир сахро бўлган
Кўргани чеккани афсус – нидо бўлган
Кўрганларим каммиди, мендай шоирга
Нетай, юрак ишқ дардига шайдо бўлган.

2011 й., июнь.



ЎЗБЕК ҚИЗИ

Кудаликга бориб сарполар кийгандим
Мехрим жўшиб бир дам дуолар қилгандим
Нигоҳимни тикиб жуфти ҳалолинга
Кўшганинг бирла қўша қари дегандим.

Бугун беҳосдан кўрдим сўнги бекатда
Сенми ё ўзга, қотдим бирдам сукутда
Юлдуз, қўйнидаги чечаси тўлин ой
Нечун ёнасан макру, ширку – Шаҳватда

Каммиди эл ардоғи, кафтлар қадоғи
Севасанми – деган севгининг сўроғи
Ёнар эди-ку кўрганда ёр яноғи
Шоҳвоний пулларнинг ҳам бордир адоги.

Кўзингни оч эй ўзбекнинг гўзал қизи
Тутмасин яна беҳос падаринг тузи
Тўғри бўлсин илоҳим Аллоҳнинг кўзи
Мулзам бўлмасин ҳеч ҳам ўзбекнинг сўзи.

2011 й. июнь.



КҮЗЛАРИМНИ АЙБЛАМАНГ

Койидингиз күзимни, күзимда нима айб
Коматингизга билмайин бокиб күйган бўлса
Ахир күзимни, юрагим эркалайди суюб
Юрагингиз, кўзларимга шайдо бўлган бўлса.

Биламан юраклар, типирчилайди учрашганда
Нигоҳлар шодланади баъзан тўқнаш келганда
Кўлингиздаги гуллар титрайди ахён, ахён
Лаъли – лабингиз нимадир истаб қолганда.

Кўзимни айби нима ҳижронда бокқаними
Орзуларимга илашиб сахро кезганими
Бир дам ҳордик нималигин билмайин сизни деб
Киприклар ортида, кўз ёшлар тўкканими.

Кўзларим айттолмайди гохида дил истаган
Кетсанг, юрагимни роса қоқади пўстагин
Кўзларимни айбламанг, айбдор телба юрагим
Сўроф бўлса илтимос юрагимдан сўрагин.

Кўзларимда нима айб, райхонларга ёкса
Койисангиз, нигохингизга телбадек бокса
Тикилиб сарв-коматингизга, оловдек ёниб
Юрагимга, муҳаббат оловин пинҳон ёкса.

ТУРНАЛАР

Олисларга кетгум келади
Турналарла учгум келади
Қанотларин сасига мос
Махзун куйлар чалгум келади.

Гар самода түкишса сават
Бўлишса самимий бир улфат
Кулчатойларни ётиб қат-қат
Кутардим, унсиз этиб тоқат.

Қайтасиз бир кун қошима
Соябон бўлиб, ёлғиз бошима
Балки мисралар, тўқиб кўкда
Сабаб, бўларсиз кўз ёшима.

8.06.2011 й.



КЕЛГИН ЁНИМА

Олис йўлга чиқдим ёлғиз саёх бўлиб
Илк муҳаббатин йўқотган гиёҳ бўлиб
Ишкий кечинмаларим бўлди гўё сароб
Нолидим тақдирдан дилим сиёх бўлиб.

Кўз ёшлардан сойлар тўлиб оқди
Гоҳон оймомо ҳолима қулиб боқди
Ишкий сахроларда олов каби ёндим
Нетайин, бу ҳолим, Дилдоима ёқди.

Йўл ўртасидаман, турибман мунгайиб
Гўё севги бобида қилганман айб
Эҳтирос қучоғида, алдагандирман
Ахир инсонман, Парвардигор беайб

Келгин ёнима, сахролар гулшан бўлсин
Ўлган ҳислар уйғониб дил Равшан тортсин
Кўзларинг гавҳарига чўкиб ўлайин
Зулфларинг, дорига осилиб қолайин.

10 июнь 2011 й.



* * *

Қадимда, ўтган бир замонда
Бир гул, қолган экан туфонда
Ўшандан буён Номозшомгул
Кўзин юмар экан аzonда

Бўрилар дейди, Ўзбекистонда кўп Широқ
Оддийгина оми халқ, Мехмондўстдир бироқ
Истиқлол туфайли кўтардик баланд турни
Жаҳонга кўрсатиб кўйдик Мексикада биз, ўзни
Энди топишибди, маъносиз бир гапни
Ўзбеклар яхши ўйнаганмиш, билмасмиш паёни
Ростини айтсан ватансиз Бўризодалар
Қандай топишади, бундай тутроқсиз гапни

* * *

Ўқилмаганды, муҳаббатнинг дафтарлари
Кутилмаганди ишқнинг мудхиш хатарлари
Турли томондан ёпирилди, найза-ю тиф
Ўшалмай қолди, Лаъли лабнинг ифторлари.



СИЗГА НОЛАМ

Каминани маст айлади райхонлар иси
Осмонда қанот қоқкан қалдирғочлар саси.
Учрашдик жаннат деган, ҳаётнинг боғида
Чарх, урган қалдирғочларнинг кетар чоғида.

Қалдирғочлар кетди, олиб жоним жа олис
Ортидан йиглаб қолди қалбим бокиб маъюс
Жилғадек учрашгандик, урилди бош тошга
Наҳот-ки, қалблар етишмас, висолдек онга

19.07.2011 й.

БИР ГЎЗАЛ

Катта йўлнинг кичик бекатида
Кичик бекатнинг нақд ўртасида
Оёғи билан ер чизган гўзал
Нимадир ўйлаб, суради хаёл

Балким ёрини кутмокда зор-зор
Коро зулфларин ёйиб Зулхумор
Қалбида, қандай исён, фалаён
Қандай, туйфу, орзу-армонлар бор

Бегонаман, телбаман ёнаман
Хаёлда сирдош, бўлиб тураман
Лек! – алам киладигани менга
Уловим келса, кетиб қоламан.

ЖАНОН ЎТДИ

Кўчамдан бир жанон ўтди, қаранг
Ҳар кадамида ўзгача оҳанг
Икки зулфи белида, чўлғаниб
Қомати, куй куйлар баҳа-баҳанг

Ойдек ёнурми, одам фарзанди
Билмоқ истайман, кимнинг дил банди
Сўрасаммикан-а? йўлин тўсиб
Кимсан айт! – эй Аллоҳнинг асал-қанди.

Бир дамгина юрагим тин топди
Бир ширин томчи, охига оқди
Қай кўз ила кўрай ушбу дам у
Ним табассумла киё боқди.

Нигоҳи олиб кетди юрагимни
Тиф санҷди оғритиб қурагимни
Ишқ азобин татиб кўрдим, билдим
Мен ўз гулзоримга кераклигимни.

ГУЛ ИШКИ

Қаранг, бу гулнинг номи катарангда
Нафис гулларига, эҳ бир қарангда
Жон, малҳами севгилиси томчи сув
Келмаганига, асаби тарангда

Кўз ёш, томчиларила сугорайми
Севгилинг, сувни чақириб келайми
Шунчалар ҳам тошбағир бўладими
Бевафони бир савалаб келайми

Буюргин менга боғбонингман ахир
Соғиниб кўз ёшлар тўкланман тахир
Биласан, тайёрсан қучмокка сувни
Севгилинг, табиб дунёда энг мохир.

Бехос ним табассум-ла кулиб куйдинг
Эслаб севгилинг бир энтикиб кўйдинг
Жамики – жаҳонни унитиб бир дам,
Севгилинг қуида ўйланиб колдинг.

2011 й.





* * *

Қани энди юрак озгина тин топсайди
Ишк деган мудхиш жаллоддан йирок юрсайди
Нигохин тикавермайин турли гулларга
Бу заминда үз гулин бир дам топсайди.

* * *

Күшлар кетди олиб хушим мани
Күзга пардоз этиб, қошим мани
Билсам олиб кетди ошим мани
Тин олмасдан котди, бошинг сани.



СЕВИБ ҚОЛДИМ

Илк баҳорда ўсган гиёхлар каби
Шодланиб боқаман озорларинга
Бешикдан бўшалган болакай каби
Ошикиб, чопаман дийдорларинга.

Дийдорлашмоқ агарда этсада насиб
Мисли уммон тўлиб-тошиб кетаман
Сўйласанг учрашганда кесиб-кесиб
Сарёфдек семириб, оқиб кетаман.

Наҳотки шундай яралган табиат
Висол мавзусида, ёзилган оят
Барчага маълум бу ишқий мавзулар
Бўлиб қолар эх, баъзида ривоят.

Севиб қоламан деб ҳеч ўйламасдим
Изламасдим, муҳаббатдан хидоят
Табиат эҳсонига ишонмасдим
Севиб қолдимми, яна ва ниҳоят.

1.08.2011 й.



ИСТИҚЛОЛ МАНГУ

Во Ажабо ҳайрон боқаман замонга
Одамлар бўлинган яхши-ю ёмонга
Кимдир қалбан хизмат қиласди Ватанга
Ким ватансиз, ўраниб олган кафандга.

Гоҳида бўридек чопади зувиллаб
Ватанга, тишин кўрсатади увиллаб
Ҳатто илон, чаёнларда ҳам ватан бор
Ватансиз бўриларда айтинг нима бор.

Кўрқоқлардан чиқмаган ҳеч ҳам мард аскар
Бўлолмаган Ватанига ҳеч хос лашкар
Ватансиз, иймонсиз бир ўғридек изғиб
Ишонсангиз улар, соясидан ҳам ҳуркар.

Ватанинни мард паҳлавонлар қўриқлади
Ватан уларни меҳрла олқишилайди
Бобом Темур-у, Бобур ҳаккони замин
Рухлари шодон, истиқлол мангу – Омин!

8.08.2011 й.



20 ЁШ

Тоғлардан тош тердим бир копчикқа
Келтириб түкдим, кизил балчикқа
Энди билсам у кизил аждахो
Элимни йикқан экан копчикқа

Минг түккіз юз түксон биринчи йил
Улоктириб ташладик копчикни
Баланд күтариб озодлик туғин
Ювіб ташладик асрий балчикни

Бош бүлди Темурийлар аждоди
Қалбда жүшди Бобурийлар қони
Кул бүлмагай, үзбеклар авлоди
Қайта тикланиб элимнинг шони

Хеч керакмас ёшингни хисоблаш
Дүпгини олиб бошни қашлаш
Роса навқирон ёшга кирибсан
Истикол-чун, керак энди ишлаш.

29.08.2011 й.



ЕЛ

Кимдир кўксимдаги тугмани ечди
Билмайсиз хаёлдан нималар кечди
Шабаданинг майин нафасларин саси
Қакраган Лабларимга шарбат сочди.

Яноғларим сийпади зулфи билан
Хижронни олиб кетди кулфи билан
Бўзтўргайдек бўзлар эдим ҳар куни
Юпатди, ширин-шакар Лутфи билан

Онам, аллалариdek майин, сокин
Шамол назмидан дилим топди таскин
Шўхлик қилиб қўйнимга кириб олган
Билсангиз дўстларим баҳорий эпкин.

8.08.2011 й.



* * *

Қалбимдаги олов чўғ бўлганди
Йиллар ўтиб аста кул бўлганди
Илк мухаббатнинг дардидан кўнгил
Кўз ёшларидан бир кўл бўлганди

Ўтди ҳаммаси қуриди кўллар
Армон бўлди нафис, отош кўллар
Саҳродан келган ишкий карвонни
Қабул этармикан, ўксиган йиллар.

7.08.2011 й.

ҚАЙТМАЙСАН

Бўз тўрғайдек бўзлаганман ҳар кўрганда
Фасли баҳор, ўн саккиз ёшга тўлганда
Эслолмайман қанча фасллар ўтганин
Йўқотганман қалдирғочлар кетганда

Ўшандан буён кутаман, келса баҳор
Кутаман бокиб йўлларинга ҳар сахар
Қалдирғочлар қайтар, биламан қайтмайсан
Лекин ушбу дардга ишонмас дил зинҳор.

ЮЛДУЗЛАР

Тонга қадар күкга тикилиб
Юлдузларни бир-бир санадим
Исларин тополмасдан баъзан
Ёлғиз юрагимни қийнадим.

Гоҳ юлдузларни севиб қолдим
Отаси ким кидириб кўрдим
Билсам уни ёри бор экан
Бу сирни ойдан сўраб билдим.

Тавба! шўх экан бу юлдузлар
Кўзин-кўзимга тикиб сўзлар
Ваъдани менга бериб бу тун
Тонг отгач ўзга ёрни кўзлар.

9.08.2011 й.



ГУЛ

Күксимда авайлаб ўстирдим гул
Лекин келишолмас қўнгил ва дил
Бир дам кел, қулоқ осгин охима
Ахир аталган сенга ушбу гул.

Тушларимга кириб чақ-чақ отасан
Лабингда хандон писта чақасан
Гоҳида ой каби зулфинг ёйиб
Эҳ, хаста дилим қийнаб кетасан.

2.08.2011 й.

Гул - қадимий мотив. Узбек тарзидаги Гул -
багтаси. Багтаси - оғиздан салтаги. К
иси үзб. багтаси - оғиздан салтаги
сарбоби ишер кечкунчук руши. Гул
- багтаси - оғиздан салтаги





БИЗ УЧРАШМАДИК

Уйга олиб келишди
Бир машин оппоқ тош.
Тор тошлари учрашди
Лекин биз учрашмадик
Куз келиб ёмғирлар ёғди
Күк билан ер учрашди
Лекин биз учрашмадик
Күёш уфққа бош қўиди
Күёш билан уфқ учрашди
Лекин биз учрашмадик
Гулнинг қошида булбул,
Кечаси мағрур ғунчагул,
Иккаласи кўп йиғлашди
Булбул ва гул учрашди
Лекин биз учрашмадик
Самодаги ой юлдуз
Кўринмасада кундуз
Олис турсада юлдуз
Ой, юлдуз учрашди
Лекин биз учрашмадик
Баҳор чоги гиёҳлар
Күёш зулфин тарашди
Қищдаги дил сиёҳлар
Баҳор келиб ярашди.



Само гиёх билан учраши
Лекин биз учрашмадик.



Дунёни ушлаб турар экан олтин
Дунёни ушлашга шерик муҳаббат
Гўзаллик яратиш топмаймиз тин
Бил! гўзаллик дунёни кутқарур албат.



Йирлагим келди тўйиб-тўйиб
Заминга бошим қўйиб-қўйиб
Қайданам келди бу ўкинч ёш
Юрагим тубин ўйиб-ўйиб



Негадир дил тўлиб портлаб кетди
Икки кўзимдан ёш, селдек окди
Кувондим кўриб ўғил-қизимни
Умрим ёшлигимни, истаб кетди.

УЧРАДИНГ ЯНА

Нимага келдинг ёнимга яна
Күз ёшларимни күриш учунми
Чүлга айланган күксимга яна
Үчмас ишк оловин ёкиш учунми?

Чиллада қовжираган водийдек
Дил яйловларин кезиш учунми
Карвондан қувилган бир осийдек
Тикон-у чүппак териш учунми?

Иккимиз кезган сүлим боғларни
Үзларига ин айлаган зоғлар
Биз орзу этиб қучган тоғларни
Босиб кетган армон деган доғлар.

Саволимга – жавоб керак эмас
Үтган дамларни қайтариб бўлмас
Ҳақнинг йўлида ҳақмиз иккимиз
Бил ўтган умрни қайтариб бўлмас.

10.08.2011 й.





Киприкларим ўйнар зулфларинг сани
Зулфларинг, ўйнатган шамолинг бўлайин
Вужудимни титратса коматинг сани
Коматинг яратган иллохинг бўлайин.



Юзларим сийпалади бир хис
Ўйладим. Куз. Қайдан келди ялпиз
Кўзим очсам теламда турибди
Нинасин тутган ҳамшира киз.



БҮЛАЙИН

Келгин бир дамгина ёнима кел
Қора қошларинга қалам бўлайин
Келгин биргина табассум-ла кел
Лаъли лабингда олов ёқайин.

Сенга ошикми қуёш шулъаси
Дилингда бўлса она алласи
Қалбинг қийнаса висол ялласи
Ёлғиз табибинг ўзим бўлайин.

Гулнинг ғунчасидек лабларинга
Шарбату-шакар суркаб қўяйин
Тўлин ойдек оппок юзларинга
Бир нукта-ю, хол чизиб қўяйин.

14.08.2011 й.



НОТАНИШ-ГА?

Кўксимдаги чўғлар олов бўлди додимдан
Қозондаги ёғлар қизиб кетди оҳимдан
Кўзим ёшларидан толиккан киприкларим
Эҳ, тўкилиб кетди чиқолмасдан воҳимдан

Ўйлагандим. Ишкий оловларда куймайман
Муҳаббат соҳилларидан энди юрмайман
Муҳаббат соҳилларин сўрхуш сасларига
Гоҳида илашиб шамол каби елмайман.

Баъзи пайтлар сўзлайман ўзим-ўзимга
Негадир хеч ким ишонмайди сўзимга
Эй тўхта! қомати гулим саси райхоним
Нега нигоҳ ташладинг ўғринча кўзимга

Ўйла! биргина нигоҳинг ўлдирди мани
Энди-чи! Яшолмайман кўрмасам сани.

* * *

Эрта турдим кўрмоқ истаб кўёшим
Кўрдиму кўзларимдан окди кўзёшим
Ўйладим шунчалар гўзал бўлмасанг
Сени йўқотишга етармикан бардошим.

ХАФАКОН

Видога яқинлашган кун
Хушсиз уйкуда ўтган тун
Қошимга құланка ташлаб
Ёнга келди ўлим бу кун

Киличини күйди бүгзимга
Сұз келмади оғзимга
Тор күринди жуда тор
Бу ёруғ дунё құзимга

Дарднинг хуружига күйдим
Юрагимдан ясаб қалқон
Жуда ҳам курашиб билдим
Чекинмас экан «Хафакон».

Гоҳ, келади никоб тутиб,
Зарба берар пинхон ётиб,

Гар келса ҳалатли табиб,
Тинчир дилим зиндон этиб

10.08.2011 й.



Энди ёқмай қолдими
Менинг оддий гулларим
Муз бўлиб туюлдими
Менинг қайноқ кафтларим.

Кўрмадим, кўзларингда
Аввалги чўғ-оловни
Англомадим сўзларингда
Эҳтиросли оловни

Нега келдинг? ёнимга
Ташна этиб қонимга
Нечун тошлар отасан
Менинг азиз жонимга

9.08.2011 й.





* * *

Нима учун келдинг кетадиган бўлсанг
Бўлмайдими бир нафас ёнимда қолсанг
Гулзор оралаб учган қуш каби
Бўлмайдими лабимдан бўса олсанг

Бу гулни йиллар давомида ўстирган эдим
Бермагандим ҳеч кимга эланиб сўрашса ҳам
Атайлаб сен учун гулдасталар туздирган эдим
Гулларимга муҳаббат деб исм куйдирган эдим.

Айт! бўлмайдими бир дамгина ёнимда қолсанг
Ушбу гулларимдан, ишкий кошона курсанг.

29.08.2011 й.

БОЛАРИ

Юзларин очган гулғунча
Саратонда сўлиб қолди
Бу ҳолни кўрган болари
Гул қошида, ўлиб қолди.

Боларижон, жон болари
Илтимос, сўзимга ишон
Ишонмагин ул фунчага
Қилмоқда сени имтиҳон.

КУНЛАР КЕЛАР

Хали шундай кунлар келади
Изғиринли ел, чимдир юзингни
Хали шундай тунлар келади
Аёзли тонг, очирмайди кўзингни

Тайёр тургин, кузак келади
Хазин япроқлар оҳ тортади
Бугунги яп-яшил япроқлар
Тин топиб пойинга ётади.

* * *

Нов – ниҳоллар, ечиб либосларин
Музлаган сокин ойни қучади
Боғлар йўқотиб ўз муҳлисларин
Изғиринли ел, қоматин қучади

Тайёр тургин шундайин бўлади
Юмшоқ болиш биқинга ботади
Иккимиз чўмилган ўша сойлар
Биз бўлсак, бўлмасак ҳам оқади.

31.08.2011 й.

МАЙЛИ ЙИФЛАГИН

Ох қанчалар оғир бўлса ҳам
Тингладим кескин сўзларингни
Бармоқларим озор берса ҳам
Сийпаладим кўзёшларингни

II

Беҳосдан тегди лабларимга
Ачиқ кўзёшларинг томчиси
Ишқ шаробидан маст лабларимга
Зарба берди, тақдир қамчиси

III

Майлига йиглагин ич-ичингдан
Нидолар чиқсин ташқарига
Видолашув онлари келса ғойибдан
Бирдай келар ёшу-қарига

Араз қилма
Баҳор каби қалбим, қайноқ эди
Тани-жоним ўйғок, бедор эди
Кўзларимни кўр, айлаган ишқ
Беҳосдан бўғзим аро сиртмоқ солди

Араз килиб нима қиласан
Биргина кулгин эҳ ёқасан
Бечора қалбим ҳам тош эмас
Буни ўзинг яхши биласан.

1.09.2011.



* * *

Күзгуга боқиб дедим!
- И-и! оқ тола муборак
Эй! тақдир вохли эмасму
Энди яшадим чорак
Табиат совғасидан
Йўқотганимда эс –хушим
Онам силади деб!
Азиз бошинга бу ҳам керак.
Бир чойнакда чой келтириб
Онам қўйди қошима
Узундан узоқ дуо! қилди
Омонлик тилаб бошима
Оқ толадан ачинма
Бу ҳам одамзоднинг зийнати
Йиллар ўтган сайин
Болам ошар оқлиқ қиймати



ЙҮЛОВЧИ

Түхта! бир нафас эй! йүловчи
Ахир борку сени ҳам сўровчи
Кимни кидиряпсан? гулними?
Ё пичноқсиз сўйган булбулними?

Яқинлашмоқда туннинг лашкари
Ҳозир тўхтар баҳсли кўпкари
Нечун нигоҳда тиф, қонли пичоқ
Кут. Ҳозир чикар кўкга ойпари

Балким тўхтаб. Бу ерда тунарсан
Бугун бўлмаса, эртага борарсан
На мунча шошмасанг, жаҳаннамга
Жаҳанам оташин ҳам кўрарсан

Тўхта ўйла. Ортга қайт йўловчи
Онанг бор-ку омонлик тиловчи
Бўлиб қолма сен якка-ю ёлғиз
Ул жаҳаннам оташин синовчи.

28.08.2011 й.





ҒУНЧА

Соҳилда, яп-ялонғоч кумлар қўйнида
Қавжираган гул ётади, беҳуш – ёлғиз
Бераҳм фалак айт! гуноҳ кимни бўйнида
Нечун мазаҳ килар уни тонгла Бойкиз.

Кеча окшом гул эди, ғунча эди
Кўкси муҳаббатга тўла, бой эди
Зулфлари шамолда мавжланган сой эди
Хусни – жамолига кўкда ой кул эди.

Унинг айби нима, гулғунча бўлганими
Саҳарда, шабнамдан нимча кийганими
Тонгда эсган шамолнинг қўйнига кириб
Ишқ шаробидан бир қултум ичганими?

7.09.2011 й.





МЕНИ КУТМАГИН

Тонгда эсган шамолларнинг саси
Ойнинг харир кўйлагин йиртганда
Ялонғоч ойнинг мафтункор акси
Сой кўйнида мовжланиб оқканда
— мени кутгил —

Зулмат маликаси кўзин сузиб
Борликка кора сочин ёйганда
Куёш уфқ узра бошин қуйиб
Олиса чироқ милт-милт ёнганда
— мени кутгил —

Кучуклар сергак эшик бокқанда
Булбуллар хориб пинак отганда
Тонг юлдузи қошларин қоқиб
Хижрон оловин ёқиб кетганда
— мени кутгил —

Тонг. Тоғнинг оппок елкасига куёш
Дабдурустдан миниб олганда
Хижронда кўзларга келиб кўзёш
Жала каби оқиб кетганда
— мени кутмагил —

8.09.2011 й.

АРМОН БҮЛДИ

Туғилганимда бир дона дур олгандим
Яширинча юрагимга аста солгандим
Йиллар үтиб белги, берганда нагох
Севиниб унга орзу деб исм құйгандим.

Кучга тұлиб қанот қоқанда орзулар
Қушлар каби чексиз самони күчгандим
Жамолинг мадхига бүлмаса құзгулар
Уни, ёр нигохидан излаб топгандим.

Орзулар олға бошлаб күп армон бүлди
Севдиму, севилдим, севгим ёмон бүлди
«Севги» деган севгилим күп сарсон бүлди
Ишқ майидан симиридим, гуноҳ бүлди.

8.09.2011 й.

* * *

Қачондир қалбимга кузак келганди
Үша кузакда кимдир тезак терганди
Сенгамас йүйиб такдирга бор айбни
Увиллаган түфөн қалбда аста тинганди.

НЕГА КЕЛДИНГ

Кўксим узра тўрини ёйганда зарпечак
Ўтганлар қабрини безаганда печак
Майсаларни нигоҳидан олиб илҳом
Сепларин ёмғирдек ёйганди бойчечак

нега келдинг

?

Боғларда қолиб кетган қушлар инидай
Шамолларга макон эди, бўм-бўш қалбим
Унсиз хонада жаранглаган чиннидай
Ўзимга ҳамроҳ эди, яратган раббим

нега келдинг

?

Бахор келиб, ёз ўтиб, кузак келганда
Боғимда зарпечаклар қўшиқ айтганда
Ўргимчаклар йўлларимга тўр кўйганда
Бўғма илонлар бўғиб, қоним сўрганда

нега келдинг

?

Сарвдек қоматим бўлганда бечораҳол
Фаслларни фарқламай бўлганда бир ҳол.
Ёшлигим сахрога айлантирган санам
Келдингми? дедингми? юз кўра – сўр ҳол

нега келдинг

?



ХИССИЁТ

Хаёлимда гохида дубурлайди роса тулпорлар
Шоирни ўлдириш керак! кичкиради чопарлар
Шоирни тутишди, ўлдиришди юз-кўзи қонталаш
Юрагин олишди-ю қўлма-қўл бўлди талаш.

Шоирни юрагини нимталашди, майдалашди
Иссик қонин оқизишиб яна қиймалашди
Сўнги чорани қўллаб, эрта тонг урганда бонг
Етти иклимин қон ила безашди.

Ҳар икки томонлардан икки, кора Лашкар
Бундайин жангу-жадални кўрмаган башар
Замин аро сингиб кетган алвон қонлардан
Яна туғилиб бир шоир, қайгадир шошар.

Ким ҳам кўрибди, зулмат-зиёдан устун келганин
Бу оламда шоирсиз бирон бир эл бўлганин.

10.09.2011 й.



АММАМНИ АЙТГАНЛАРИ (Чинниҳол)

Келиб бир кун бордим шифокорга
Дўхтири! қара мендайин паҳтакорга
Ёндағи тишим оғриб ҳеч қуймайди
Қараганимда жонимни қийнайди.

Қани, кўрайин тишиңгизни холажон
Ўҳ! ҳув – тишиңгиз қарибди – чалажон.
Энди! унинг умри мени қўлимда
Олиб ташлайман ҳозир холажон

Тўхтагин! – ўғлим бир йиглаб олайн
Кўксимни бўшатиб бўзлаб олайн
Эҳ! ўғлим! нимани ҳам биласан
Ота-онамдан мен рухсат олайн.

Ота-онам кўриб маржон тишларим
Билсанг! – қувонгандир у! ҳў қанчалар
Ухломасдан босиб мени бағрига
Ўтказгандир бедор қанча кечалар.

Марҳумлар ўлганминан улар тирик
Боласи оғриса этади чирик-чирик
Ота-онасин йўқотганларга – болам,
Кўришмоққа – ўлим! бир кўприк.

Бу тишларим онажонимни кўрган
Отажоним белбоғида, ёнғоқ чакқан
Билсанг тишларим ёримга ёқкан
Тишларинг маржон деб елкамга қокқан

10.09.2011 й.

ОНА ЙИГЛАДИ

Тоғларнинг оппок елкасига қуёш мингандада
Энтикиб зар кокилин олам узра ёйганда
Кўнгил уммони уфуриб зардобга тўлганда
Қалб риштаси ўғли, ох аччик хитоб этганда

—Она йиглади—

Томогига тикилиб аччик нидо ҳакиқат
Эсига тушиб бўлгани қувончилик иккикат
Кўкга тикилди излаб ўзига бир суюнчик
Ё! Раббим наҳот бу дунё ширину – аччик

—Она йиглади—

Кўлларига олиб жажжи чақалок суръатин
Эслади бедор ўтган тун гўзал ой сийратин
Дил дарчасин чил – чил этган ўғлига қараб
Армонларга тўлди, орзулар уммони титраб

—Она йиглади—

Ёшлигин хадя этиб, умрин берди аямай
Ўстирди авайлаб, замину-кўкга ишонмай
Ақли тўлганда наҳот, кетар меҳр кўрмай
Ўғил ҳайкирди само-ю, замин титради

—Она йиглади—

Нега, Аллоҳим менга берган илохий хислат
Кўксимда туриб санчик кўзларимдан оқди ёш
Нима учун разолат ўғилга улфат
Наҳот! ширин орзулар бошига келтирас кулфат

—Она йиглади—

Она йиглади, дил йиглади, йиглади само.

* * *

Укелди, кетди
Тұхтади, кулди.
Гулим узатдим,
Кувониб олди.
Хидлади түйиб
Сийпади суйиб
Қарасам ёнга
Кетибди қүйиб
Илк бор гул бериб
Гулим йүқтедим.
Гулсиз сахрода,
Қалбим үхшатдим,
Сахрода бир кун
Баҳор келади.
Гулларга тұлиб,
Күксі ёнади.
Олмасанг гулим,
Кимдир олади.

12.09.2011 ы.



ТУШ

Самонинг кўз ёшларидан, тўйган тупроқда
Жилғачалар тўпланишиб тушушди ракс
Кузак келиб, жами олам ором топган чоқда
Кўз ёшлар томчи шаклида этади акс.

Дарахтнинг шоҳида қолган ёлғизгина япроқ
Чирсиллаб узилиб жилғачага бўлди кўноқ
Жилғача багрида, гоҳ қайикдек тўлғаниб
Сой сохили бўйлаб сузишиб жуда иноқ

Шиддатли телбасой олиб уларни кўйнига
Зум ўтмасдан олис юртларга олиб кетди
Тўлкинлари илашиб япроқнинг бўйнига
Лабларидан тинимсиз бўса ола кетди

Тўгрисин айтсан агар сизга ёронлар
Эх, кўрган тушларим кузакда қолиб кетди
Келиб баҳор, таскин топиб кузги тўфонлар
Қайтадан күёшимни самога илиб кетди.

12.09.2011 й.





ИШҚ

У келди. У кулди
У ёнди. У қуйди
Баҳордай очилди
Хазондай түқилди
Илк мухаббат ўлди
Дағнан этдим йиғлаб
Юрагимни доғлаб
Хиссиз кесакдайин
Юрдим вақтим чоғлаб
Яна қайтиб келди
Фазалу – байт билан
Юрагим санчиidi
Үтган армон билан
Мухаббат тирилди
Қаршиисига чиқдим
Дилда оташ – олов
Құлда ҳасса билан
Қаддим тутмас, белим
Күзда ойнак билан
Бу қандай күргулик
Үлмас экан-ку Ишқ
Дағнан этган билан
Кетмас экан армон
Ишқсиз юрган билан.

12.09.2011 й.



ИЗЛАНГ

Изламанг, мени ойнинг зулфидан
Гулзорда эсган шамол сасидан
Изламанг мени юлдуз тафтидан
Саргайган гулнинг жонсиз кафтидан.

Оловдек ёндим фироғингизда
Ниҳолдек сўлдим чорбоФингизда
Энди кераксиз матоҳ бўлдимми
Айни гуллаган гул боғингизда.

Гуллар очилади, гуллар сўлади
Еллар елади шамол бўлади
Фасллар алмашиб баҳор келади
Чўккан қабрлардан изламанг мени

Изланг баҳор ёмғиридан мени
Ўтган умрнинг ғалвиридан мени
Ҳаётимиз чалкаштириб юборган
Мұхаббатининг чилвиридан мени.

15.09.2011 й.





БИЛМАЙМАН

Окин дарёдек оқарди умрим
Гох, мажланарди гохида сокин
Гох чалкашарди эзгу йүлларим
Гох дил изларди, боболар ҳокин

Ҳаёт үзанида суздим секин
Бу ҳолдан күнгил топмади таскин
Күшдек кезмоқ бўлдим самони
Елкамга олиб ғам-алам юкин.

Баъзан ўйланиб тошдек қотаман
Қалбимда уфурган тўфонлардан
Гохида, шодланиб күшдек учаман
Илҳом олиб, яхши инсонлардан.

Окин дарёдек оқарди умрим,
Тўсатдан, тўғон бўлдинг йўлимга
Қалбим интиларди сенга қумрим
Билмабман, орзуладарда ўтган умрим.

18.09.2011 й.



ТҮЙ – ҚҮЙ

Булутлар куршовида довдираган ой
Зулфларин ёйиб юзларин тирнайды
Түйга түёна бўлиб келган семиз қўй
Эрта сахарда сўйилишин билмайман.

Тонг – ила келди бир йигит гўё, Олчок
Қассобман деди ўйнатиб кўлда пичок
Кўйнинг кўзларига келди ёш мисли мунчок
Тик туриб ўлимга шайланди ўша чок.

Бўғзи аро сирпанди пичоқнинг тири
Ҳамма, шод-хуррам хеч ким қилмади йифи
Зумда терисин шилишди, туз сепишди
Билинмасдан қолди кўйнинг бор – йўғи

18.09.2011 й.



АЙТОЛМАГАН СҮЗЛАРИМ

Оппок чойшаб оғушида ётганингда
Киприклар, күзларинга соя соганида
Юракгинам қафасидан чиқмоқчи бўлиб
Кушлар каби питирлаб урганида.

Эрта саҳарлаб зулфларин ёйган куёшдек
Жумла-ю жаҳон уйғониб боққанида
Орзулар бўстонида, тўкилган кўз ёшидек
Кўзёшларим яноғим узра юмалаб котганида

Оймомога ўхшатардим юзларинг сани
Юлдузларга қиёслардим кўзларинг сани
Хаёлларимда сийпалардим, гоҳо қоп-қора,
Қалдирғочнинг канотидек қошлиниг сани.

Эҳтимол, унугандирсан ўша онларни
Ишқ боғида уфурган ширин тўфонларни
Учрашганда. Титраб вужудим, ёнган нафис
Юрагимни рамзи бир, харир рўмолларни.

3.10.2011 й.



«ДҮСТИМ» БОР МЕНИ

Харом лукма ёмоқ бўлиб
Ҳалол «нимта»га «важ» топар
Юз кўзингга кула туриб
Пайт келса бошлиққа сотар
Ўшандай дўстим бор мани
Мусулмон бўлиб қолади
Зўра-ки гоҳон кулади
Қандай йўллар бўлса майли,
Лек! бошлиққа йўл топади
Ўшандай дўстим бор мани
У Аклли ўзга – ахмок
Инсофдан беради сабоқ
Бошига келса тўкмок
Писиб қолади ўша чок
Ўшандай дўстим бор мани
Пайт келса ўйламай – нетмай
Устинга мағзава тўкар
Бир пиёла чой совимай
Ортингдан буралаб сўкар
Ўшандай дўстим бор мани.

16.10.2011 й.





Фафлат уйқусида ухлабман
Улфат – пиёла май – деб.
Ёр – дўстлардан кечиб кетибман
Келса улар, кулфат келди – деб.

БЕШИККА СОЛИШДИ

Бугун набирамни солишди бешикка
Гули қийикча боғлаб кўйишди эшикка
Момолар кулишиб чак-чак отишиб
Хожатин тўғрилаб кўйишди тешикка
Ҳали бу йигит ишқда Тохир бўлади
Кўшни қизларни севищда моҳир бўлади
Қоши қора, қомати тик Алпомиш
Зум ўтмасдан, Зухра-ю, Барчин келади
Де-я! – дуога, билак кериб кўл очишли
Бир-бирига шўхлик қилиб кулиб кўйишди.



ШОШМАСАНГ

(Мархум укам Жалолиддин руҳига)
Намунча шошмасанг мангулик сари
Йўқ эдиму, қалбингда ниятлар
Кўрмок истайман кун-тун ўтган сари
Лек! Сен йўқсан, сенга йўлдош ояллар.

Болалик ўтганди лой бир эшикда
Алла! Тинглаб ўсгандик бир бешикда
Гоҳ шамолдек шошиб, тўфондек тошиб
Пайдо бўлардик кулиб, ҳар эшикда.

Паймонанг тўлиб, дилинг тошганмиди
Рух! раббим хузурига шошганмиди
Йўклик қайифи, қалкиди тўсатдан
Унсиз қалбинг ўлимни сезганмиди.

Эҳ, укам қуёш ҳам кетса йўкликка
Сен севган тонгни, қутлар ўзгалар
Берилиб кетиб, эхтирос шўхликка
Ой ўтмасдан шодон, кулар янгалар.

БОГ КҮЧА

Эй дүст, юрар эдик құл ушлашиб
Баъзан, олар эдик муштлашиб
Ким паҳлавон, ким нотовон дея,
Яширинча олар эдик беллашиб.

Эх дүст, қара вактлар ўтиб кетди
Паҳлавонлик рухи ташлаб кетди
Баъзида күшлардек чуғурлашардик,
Қара! қанча күшлар учиб кетди.

Қани? ўша дамларим қайтсайда
Беғубор тонгларим яна отсайди
Юзларимиз лой-у кирприклар чанг-чун,
Тупрокли тор күчалар бўлсайди.

Уйимиздан нарида эди боғ күча
Дўлана-ю, наъматакка бой күча
Сирли шарпаларга бир макон бўлиб
Тонга қадар гавжум эди ҳар кеча.



КУЗ ҚУЁШИ

Осмонни ўраб олган булутлар
Кеча-ю – кундуз сұхбат қурдилар
Эриниб учиб юрган булутлар
Бу кеча роса йиглаб бердилар

Тарновлардан, оқиши шувиллаб
Шериги шамол берди увишлаб
Боғларда сочилди гоҳ тангалар
Куз санамин, жамолин олқишилаб

Эрта сахарда тинди түсатдан
Күёш чикди фойдаланиб фурсатдан
Тоғ елкасига минди талтайиб
Сукутда қолди бир нафас саргайиб.

Бир кеча-ю, кун замин фирорида
Умр ўтди булутларнинг ҷарборида
Эриниб зулфларин ёйди қуёш
Энди, само тўколмайди қўз ёш.



СЕНИ ИЗЛАДИМ

Дараҳтларнинг ялонғоч танасига қараб
Бесабр кузакнинг зар кокиларин силадим
Изиринли само юзларига юз қуиб
Тонг кировин парчасидан сени изладим.

Қалдироҷчлар ўрнига қарға-зоғлар учар
Қағ-қағ! этиб гоҳ самони гоҳ ерни кучар
Дилим, ёритмоқ учун күёш кўзин очар
Кўхна күёш кўзларидан сени изладим.

Кузакни қувалаб келган қор Лашкарининг
Шовкин – суронли сасидан сени изладим
Оппок корнинг нафис либосига ўранган
Бойчечакнинг нигоҳидан сени изладим.

Софинч оғушида маст кўз ёшларим томчисидан
Ўтган умримнинг бесабр, ёшлиқ кўзгусидан
Тақдир аталмиш тақдиримнинг ёғдусидан
Умр бўйи жоним, фақат сени изладим.





ХИЖРОН

Эй севгилим, сен менга бегона
Качонлардир мени этгандинг девона
Жамики, жаҳонни унитиб ўша дам
Атрофингда соядек бўлгандим парвона.

Эсладим. Куз шамоли эшик қоққанда
Фаррош аёл, япроқларни йифиб ёққанда
Изиринли тонг оппок сепларин ёйиб
Куёш зулфларин ўйнаб, аста бокканда.

Ўчирмоқ бўламан, бир зум хотирамдан
Хотира саси зўр келар хохишимдан
Уйкум кочиб, чикиб кетсам чодирамдан
Узоқ кетолмасман, такдир нолишимдан.

Хижрон мени бир умрга қийнайдиму,
Куз елидек, дилни чўлғаб ўйнайдиму
Балким унитгандирсан ўз дарвешингни
Топгандирсан, ўзинга мос йўлдошингни.



ОНАЖОНИМ

Олис-олисларда қолдиму қишлоғим
Энди соғиниб, кутмайдиму ўртоғим
Қўйнида келтирган иссик кулчатойни
Энди ким билан бўлишади ўртоғим.

Эрта саҳарлаб яйловларни кезардим
Ошиқ булбул хонишимга жўр бўлардим
Қўлимда таёқ гоҳида ялонгоёқ
Далли-девона, бўлиб хониш этардим.

Гоҳ, кўксимни тўлдириб майин ҳавога
Кулок осардим аста мунгли навога
Сокинликни бузарди, бўзтўрғай саси
Оlamни тутарди гиёҳларни иси.

Яйловдан қайтганимда уйим тўрида
Илондек буралади тутун мўрида
Қайтишимни пойлай-пойлай, онажоним
Кулчатой ёпарди, қалбининг қўрида.

Ноябрь 2011 й.



ОҚИБ КЕТАДИ

Кўқдан ёғган ёмғирнинг, йифисида ўзимни кўрдим
Йўлакка тушиб парчаланган томчисида кўзимни кўрдим
Бир кўлмак бўлиб тўдалашган лаҳзали уммонинг
Оху – ноласида, айттолмаган дил сўзимни кўрдим.

Кўксимга томчилаган кўз ёшларимдан тўлиб бордим
Оқаётган телба сой эдим, лек кўлмак бўлиб колдим
Ёшлик деган ўтгувчи суворийни тутмоқ истадим
Умр – деган жабдуқсиз яловнинг чангларига ботиб колдим.

Ортимга бокиб кўрдим мен ёшлик водийларини
Омадим келганда олқишилаган май – соқийларини
Гоҳ армуғон мингандага унитиб жамики-жаҳонни
Дўстлик ришталарин узган банда-ю осийларни

Хайкиргум келур, - тўхта! – армуғон қочиб кетади
Ёшлигинги лой-у-тўфонларга ташлаб кетади
Сокин тортган кўлмак бўлиб колганингда эса,
Жаҳаннам эшигин, сўрамасдан очиб кетади

Билгин-ки! бу умр дегани, сойдек оқиб кетади.



МУНДАРИЖА

УМРИМ	3
КЕЧИНМА	4
ТОПМАДИМ	5
ЁРБАҲОР	6
БЕДАНА	7
ТОНГ	8
ХАЁЛ	11
ТЕЛБА ЮРАГИМНИ	12
ЮРТ НАВРӽИ..	13
БИР ГӽАЗАЛ	14
ЁРИМ	15
ГУЛТИКОНИ	16
ЭЙДИЛ	17
БОРМАСАМ	18
ТҮЙМАДИМ	19
ДИЛДОРИ БОР	20
ҚАЛДИРҒОЧИМ	21
КЕЛМАДИНГИЗ.....	22
СҮЗЛАРИМ.....	23
ЮРТ БОР	24
ЛОЛА ҚИЗГОЛДОК	25
ҒУНЧА	26
УЧМОҚЧИМАН.....	27
ЎРИК ГУЛИ	29
ГУВОҲ БЎЛДИМ	30
РАЙҲОН	31
ЧАМАНДЕК	32
ТҮЙХАТИ	33
ЭҲДУСТИМ	34
МИЛЛАТМИЗ	35
ЮРАГИМ	36
КЕЧИНМА	37

ҮЗИММАН	38
ЙИГЛАМА	39
РУХИЯТ	40
ГИЛОС	41
ГҮЗАЛИМ	42
ОРЗУ – ТИЛАГИМ	43
ДИЛИСЁНИ	44
СОЯ СОЛГАНДА	45
Ё ТАВБА	46
ХАЁЛИМДА	47
ГУЛИ РАЙХОН	48
ХАЙРОНМАН	49
ЁЗ ЁМФИРИ	50
ТАНИШИМНИ МАШИНАСИ	51
ҮТГАН ДАМЛАР	52
ХОТИРОТ 95 й.	53
ПОРАХҮРНИ ТАВБАСИ	54
ҚИСМАТ	55
СИНФДОШ	56
ИШҚ ОЛОВИ	57
ХАҚИҚАТНИ БИЛАЙН	58
ЖИЙДА ГУЛИ	59
ЭПКИН	60
ИЗЛАЙДИ	61
ВО, АЖАБ!	62
БИЛМАС ЭДИМ	64
ТАКДИР УЛУШИ	65
САРОБ	65
ИЛК МУҲАББАТ	66
ҚЎРҚАМАН	67
ҚўМАК БЕРМАЙДИ	68
ЧИҚИЛЛАЙДИ	69
НИМА ҚИЛАЙ	70
ЎЙ	71
ИЧКИ ҲИССИЁТ	72

ШАМОЛЛАР	73
ДЕДИНГИЗ	74
КЕЧИРИНГЛАР	75
ҚОРА КҮЗЛАРДА	76
ЮРАГИМ ИККИТА	77
ОШДАН КҮРА	78
САНЧГАНДА ЮРАК	79
СОЙ	80
ТОНГЛА СҮЗЛАЩДИМ	81
Х.БОКАЕВ	82
КҮНГИЛ	84
СҮЗИМНИ	85
КИМ ЎЗИ	86
ОНАЖОН	87
ИШҚ ДАРДИ	88
ЎЗБЕК ҚИЗИ	89
КҮЗЛАРИМНИ АЙБЛАМАНГ	90
ТУРНАЛАР	91
КЕЛГИН ЁНИМА	92
СИЗГА НОЛАМ	94
ЖАНОН ЎТДИ	95
ГУЛИШКИ	96
СЕВИБ ҚОЛДИМ	98
ИСТИҚЛОЛ МАНГУ	99
20 ЁШ	100
ЕЛ	101
КАЙТМАЙСАН	102
ЮЛДУЗЛАР	103
ГУЛ	104
БИЗ УЧРАЦМАДИК	105
УЧРАДИНГ ЯНА	107
БҰЛАЙИН	109
НОТАНИШ-ГА?	110
ХАФАҚОН	111
БОЛАРИ	113



КҮНЛАР КЕЛАР	114
МАЙЛИ ЙИЕЛАГИН	115
ЙҰЛОВЧИ	117
ФУНЧА	118
МЕНИ КУТМАГИН	119
АРМОН БҰЛДИ	120
НЕГА КЕЛДИНГ	121
ХИССИЁТ	122
АММАМНИ АЙТГАНЛАРИ	123
ОНА ЙИГЛАДИ	124
ТУШ	126
ИШҚ	127
ИЗЛАНГ	128
БИЛМАЙМАН	129
ТҮЙ – ҚҮЙ	130
АЙТОЛМАГАН СҮЗЛАРИМ	131
«ДҮСТИМ» БОР МЕНИ	132
БЕШИККА СОЛИШДИ	133
ШОШМАСАНГ	134
БОҒ КҮЧА	135
КУЗ КҮЁШИ	136
СЕНИ ИЗЛАДИМ	137
ХИЖРОН	138
ОНАЖОНИМ	139
ОКИБ КЕТАДИ	140

“Times New Roman” гарнитураси.
“ASR-MATBUOT” босмахонасида чоп этилди
Буюртма №17. Нусхаси 500.
Ш.Руставели күчаси, 45.

2000 -



Равшан Ражабов

Тошкент вилояти Пскент туманида,
Мурод-Али қишилогида, 1955 йил 8 августда
таваллуд топган. Бир қанча шеърлари
республика матбуотида чоп этилган.
Хозирги кунда Низомий номидаги ТДПУни
“Санъат” факультетида ишлайди.
Педагогика фанлари номзоди, доцент.